

**«ASIA ALLIANCE BANK»
АКЦИЈАДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ**

2021 йил учун

**«ASIA ALLIANCE BANK»
АКЦИЈАДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ФАОЛИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА КЕНГАЙТИРИШ
БИЗНЕС-РЕЖАСИ**



**«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ КЕНГАШИ ҚАРОРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНГАН
(20.11.2020 йилдаги К-16 сонли баённома)**

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
ЖОРИЙ ҲОЛАТ ТАҲЛИЛИ	4
Макроиқтисодий жараёнлар.....	4
Ўзбекистон банк сектори	7
Асосий воқеалар ва банкнинг жорий фаолияти	11
Банкнинг бозордаги мавқеи	12
БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ	14
Банк фаолиятини трансформация қилиш.....	16
Кредит фаолияти	20
Инвестиция ва эмиссия фаолияти	22
Ҳазначилик амалиётлари	23
Халқаро фаолият	25
Чакана миқдорларга хизмат кўрсатиш	26
Филиаллар тармоғини оптималлаштириш ва форматини такомиллаштириш.....	30
Таваккалчиликни бошқариш тизими.....	33
Ахборот технологиялари	34
Банк ходимлари бошқариш тизимини такомиллаштириш	35
МОЛИЯВИЙ РЕЖАЛАШТИРИШ	36
ИЛОВАЛАР	37
«ASIA ALLIANCE BANK» АТБнинг 2021 йил учун баланс режаси	37
«ASIA ALLIANCE BANK» АТБнинг 2021 йил учун даромадлар ва харажатлар режаси	38

КИРИШ

Мазкур Бизнес-режа «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ томонидан 2021 йилда амалга оширилиши режалаштирилган чора-тадбирларни ҳамда банкнинг 2021 йил учун молиявий режасини ўз ичига олади.

«ASIA ALLIANCE BANK» Акциядорлик тижорат банки (матн бўйича кейинги ўринларда - банк) 2009 йилнинг август ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 24 апрелдаги ПФ-1749-сонли «Хусусий тижорат банклари ташкил этилишини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосида ташкил этилган. Банк ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2009 йил 15 августдаги 79-сонли (2017 йил 21 октябрда 79 сон билан қайта рўйхатдан ўтган) лицензияси асосида амалга оширади. Банкнинг Бош офиси 100047, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Махтумқули кўчаси, 2А-уй манзилида жойлашган.

Банк Ўзбекистон банклари ассоциациясининг, Фуқаролар омонатларини кафолатлаш жамғармасининг, Ўзбекистон валюта биржасининг аъзоси ва VISA International Халқаро ташкилотининг уюшган аъзосидир.

Moody's Investors Service халқаро рейтинг агентлиги томонидан миллий ва хорижий валютадаги депозитлар бўйича банкга узоқ муддатли ва қисқа муддатли рейтинглар В2 глобал шкаласи бўйича, контрагент таваккалчилиги (Counterparty Risk Assessment) бўйича В1 даражасида тақдим этилган. Банк шунингдек, "Ahbor-Reyting" маҳаллий рейтинг агентлигининг кредит рейтингини олган бўлиб, у миллий шкала бўйича "Барқарор" истиқболи бўйича "uzA+" даражасида баҳоланган.

ЖОРИЙ ҲОЛАТ ТАҲЛИЛИ

Макроиқтисодий жараёнлар

2020 йил дунё бўйлаб коронавирус пандемиясининг жадал тарқалиши билан бошланиб, уни таъсирини юмшатиш мақсадида жорий этилган карантин чоралари жаҳон иқтисодиётининг турли соҳаларига ўз таъсирини кўрсатди ва чуқур рецессия ҳолатига тушириб қўйди. Хусусан, “локдаун” натижасида деярли барча мамлакатларда бир вақтнинг ўзида ишсизликнинг кескин ўсиши ва ишлаб чиқаришнинг пасайиши кузатилди. Буларнинг барчаси глобал миқёсда иқтисодий қийинчиликларга олиб келди. Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас. Бироқ Халқаро валюта жамғармасининг жорий йил октябрь ойида янгиланган прогнозларига кўра, 2020 йилда глобал иқтисодий ўсиш прогнози аввалги кўрсаткичга нисбатан яхшиланди ва 4,4 фоиз (-5,2 фоиз) даражасида шаклланди.

Қийин ташқи ва ички иқтисодий шароитларга чидамлик нуқтаи назаридан, 2020 йил мамлакат учун мураккаб бўлди. Маълумки, бошиданоқ ҳукумат соғлиқни сақлаш тизимини мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, шунингдек, мослашувчан молиявий ва пул-кредит сиёсатини амалга ошириш бўйича бир қатор тадбирларни амалга оширди. Буларнинг барчаси пандемиянинг мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятга салбий таъсирини юмшатиш имконини берди, бу эса ўз навбатида чуқур иқтисодий инқирознинг олдини олиш ва ижобий ўсиш суръатларини сақлаб туришни таъминлади.

Жумладан, Халқаро молия институтлари, шу жумладан Жаҳон банки, Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш 2020 йилда 0,6 фоизни ва 2021 йилда 6 фоизни ташкил этишини башорат қилмоқда. Ўз навбатида, Халқаро валюта жамғармаси 2020 йилда 0,7 фоизга, 2021 йилда эса 5 фоизга ўсишини башорат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг дастлабки ҳисоб-китобларига кўра, 2020 йил охирига келиб иқтисодий ўсиш 1-1,5 фоиз, 2021 йилда эса 5,1 фоиз даражасида бўлиши кутилмоқда.

2020 йил январь-сентябрь ойларидаги иқтисодий вазият шуни кўрсатдики, Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) жорий нархларда 408,3 трлн. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,4 фоизга ошди. Бу асосан қишлоқ хўжалигининг 3,4 фоизга, қурилишнинг 8,6 фоизга ўсиши ҳисобига эришилди. Шунга қарамай, ҳисобот даврида саноатда ўсиш 2,7 фоизга, хизмат кўрсатишда эса 0,7 фоизга камайди.

Иқтисодиёт тармоқлари динамикаси қуйидагиларни акс эттирмоқда:

Саноат

Карантин чекловлари туфайли жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида маҳсулотнинг реал ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,7 фоизга камайди. Шу билан бирга, сентябрь ойида ишлаб чиқаришнинг ҳажми реал қийматда 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 20 фоизга ўсди ва 33,1 триллион сўмни ташкил этди.

Саноат тармоқлари нуқтаи назаридан ҳисобот даврида ишлаб чиқариш саноати 2,7 фоизга ўсди. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари 8 ойда 99,7 фоиздан 9 ойда 105,5 фоизгача, қурилиш материаллари 98,4 фоиздан 106,3 фоизгача, кимёвий маҳсулотлар 100,8 фоиздан 102,7 фоизгача, автомобиль ишлаб чиқариш 102,4 фоиздан 105,1 фоизгача, муталлургия саноати эса 101,4 фоиздан 103,7 фоизгача ўсди.

Фақат сентябрь ойига келиб йирик корхоналар томонидан август ойига нисбатан бир қатор товарларни ишлаб чиқаришда сезиларли ўсиш кузатилди. Хусусан, дизел ёқилғиси (44,4 фоизга), газ конденсати (32,7 фоизга), суюлтирилган газ (8,7 фоизга), ихтисослашган йўловчи автомобиллари (15,5 фоизга), пахта матолари (28,9 фоизга), трикотаж ёки ташқи кийим (25,7 фоизга) ва бошқа маҳсулотларни ишлаб-чиқариш ҳажмлари ошди.

Бироқ, ўсиш ҳамма тармоқларда ҳам кузатилмади. Масалан, табиий газ экспорти ҳали тикланмаганлиги сабабли, нефт ва газ қазиб олиш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан деярли 32 фоизга камайди. Бу, ўз навбатида тоғ-кон саноатида ишлаб чиқаришнинг кескин пасайишига олиб келди.

Шунга қарамай, жорий йилнинг сентябрь ойидаги саноат секторининг натижалари шуни кўрсатадики, саноат йил охирига қадар ижобий суръатни сақлаб қолиши учун ресурс ва имкониятларга эга.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги

Январдан сентябргача саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиши 103,4 фоизни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,2 фоиз пунктга тезлашди. Хусусан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ўсиш суръатлари 2 фоизга тезлашди ва жорий йилда 104,3 фоизни; балиқчиликда 6,8 фоиз пунктга тезлашиб, 112 фоизни ташкил этди; чорвачиликда 0,3 фоизга тезлашиб, 102,3 фоизни ташкил этди.

Ўсишнинг ижобий динамикасига 2020 йил 1 майда қабул қилинган “Коронавирус пандемияси даврида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги давлатимиз раҳбарининг фармони ёрдам берди. Ҳужжатга кўра, эксплуатация қилинган ва ер ости сувлари захирасига эга бўлган ерлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун имтиёзли шартларда аҳолига ажратилган. Ушбу процедуранинг жорий этилиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни кўпайишига олиб келди. Хусусан, сабзаёт етиштириш ўтган йилга нисбатан қарийб 200 минг тоннага ошди ва ҳисобот даврига 2,7 фоиз ўсиш билан 7,6 миллион тоннани ташкил этди. Мева ва резаворлар – 2,1 миллион тонна, ўсиш эса 103,9 фоизни ташкил этди.

Чорвачиликда озуқа захиралари, наслчилик ва ҳосилдорлик билан боғлиқ муаммолар ҳам мавжуд. Ҳисобот даврида республикада тирик вазнда гўшт ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари 0,5 фоизга, тухум ишлаб чиқариш эса 3,6 га пасайган.

Хизматлар соҳаси

Карантин чекловларининг таъсири натижасида ушбу сектор энг кўп зарар кўрди. Хусусан, умумий овқатланиш хизматлари 16,6 фоизга, кўчмас мулк 7,6 фоизга, ижара ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш мос равишда 5,3 ва 8 фоизга камайди. Бироқ август ойида карантин чоралари бироз юмшатиладиганидан сўнг пуллик хизматлар ҳажмининг ўсиши қайд этилди.

Шундай қилиб, 9 ой давомида пуллик хизматлар ҳажми 157,1 триллион сўмни ташкил этди, бу ўтган йилнинг шу кўрсаткичига нисбатан 1,8 фоизга кўпдир. Бу асосан ахборот (16,4 фоизга) ва молиявий хизматларнинг (30,4) юқори ўсиш суръатлари билан боғлиқ. Биргина сентябрь ойида 22,1 триллион сўмлик хизматлар кўрсатилди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9,7 фоизга кўпдир.

Ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар натижасида жорий йил охирига келиб хизматлар ҳажми 2019 йил даражасида бўлиши кутилмоқда. Алоқа, ахборот ва молиявий хизматлар ҳажмининг сезиларли даражада ошиши туфайли пандемия даврида ижобий тенденция сақланиб қолади.

Аҳолининг даромадлари

Пандемия шароитида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятидаги узилишлар ва иқтисодий фаолликнинг пасайиши туфайли жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида аҳолининг реал умумий даромадлари 0,3 фоизга камайди. Ўтган 9 ой ичида бюджетдан молиялаштирилмаган ортиқча иш ҳақи ва бошқа бирламчи харажатларни тўлаш, шунингдек пенсия ва ижтимоий тўловларни белгиланган кундан кечиктирмай тўлаш аҳолининг реал жами даромадларини шакллантиришнинг муҳим омилига айланди. Бу, ўз навбатида, иқтисодиётдаги ички талабнинг кескин пасайишини олдини олишга хизмат қилди.

Пандемия даврида ташқи савдо ҳажми ҳам камайди. Хусусан, январь-сентябрь ойларида у 27,5 миллиард долларни ташкил этди, бу ўтган йилги кўрсаткичдан 3,8 миллиард долларига ёки 12 фоизга паст. 9 ой давомида пул ўтказмалари ва экспорт камайди.

Мавжуд қийин вазият бюджет харажатларнинг кескин ўсишига олиб келди. Хусусан, 2020 йил январь-сентябрь ойларида давлат бюджетининг даромадлари 94,4 триллион сўмга, харажатлари эса 102,1 триллион сўмга етди, шу билан бирга 53,7 триллион сўм ёки умумий бюджет харажатларининг 52,5 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилди.

Қийинчиликларга қарамай, йил охирига қадар иқтисодиётда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш, иқтисодий фаолликни ошириш ва ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш ҳисобига бюджет даромадларини кўпайтириш бўйича чоралар кўрилиши режалаштирилган.

Коронавирус пандемиясининг давомийлиги ва унинг глобал иқтисодиётга давом этаётган салбий таъсири кейинги даврда ҳам ноаниқ бўлиб қолмоқда, бу асосий иқтисодий кўрсаткичларга эришишда бир қатор қийинчиликларга олиб келиши мумкин. Шу билан бирга, пандемияга қарамай, глобал иқтисодиёт 2021 йилдан бошлаб тиклана бошлаши прогноз қилинмоқда.

Ўзбекистонда 2021 йилдан бошлаб иқтисодий фаоллик ўсиши билан иқтисодий ўсиш камида 5,1 фоизни ташкил қилиши кутилмоқда. Ушбу кўрсаткичга асосан пандемия даврида энг кўп зарар кўрган соҳалардан бири – 6,4 фоизга ўсиши кутилаётган хизмат кўрсатиш соҳасини тиклаш, янги корхоналарни ишга тушириш орқали саноат соҳаси – 5,8%, қурилиш соҳаси - 6,5% ва қишлоқ хўжалиги - 2,7% ўсиши ҳисобига эришиш мумкин бўлади. Ушбу кўрсаткичларга ҳар бир соҳада бошланган таркибий ислохотларни тўғри ва сифатли давом эттириш орқали эришиш мумкин.

Ўзбекистон банк сектори

2020 йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида пул-кредит сиёсатини юритишда асосий эътибор, иқтисодий инфляцияни жилавлан, коронавирус пандемияси ва глобал иқтисодий инқирознинг банк-молия тизимида салбий таъсирини юмшатиш ҳамда операцион механизмни такомиллаштириш орқали банк тизими ликвидлигини самарали тартибга солиш мақсадларига қаратилди.

Жорий йилнинг сентябрь ойида йиллик инфляция даражаси 11,7 фоизни ташкил этди. Базавий инфляция даражаси эса йиллик 11,9 фоизгача пасайди. Ёз мавсуми давомида нархлар ўсишининг сезиларли секинлашишидан сўнг сентябрь ойида инфляциянинг маълум даражада тезлашиши кузатилди. Бу асосан, карантин чекловлари бекор қилинганidan сўнг ялпи талабнинг тикланиши, мавсумий омиллар ва айрим асосий истеъмол товарлари нархларининг сезиларли даражада ўсиши билан изоҳланади.

III чорақда иқтисодий ўсишнинг босқичма-босқич тикланиши ва иқтисодий фаолликнинг жонланиш тенденцияси кузатилди. Хусусан, жорий йил III чорақ якунлари бўйича иқтисодий ўсиш I ярим йилликка нисбатан бироз тезлашиб, 0,4% ни ташкил этди. Шу билан бирга, қисқа муддатли прогноз оралиғида иқтисодий ўсиш дастлабки ҳисоб-китобларга нисбатан сезиларли паст даражада сақланиб қолмоқда.

Жорий йилнинг III чорағида иқтисодий ижобий реал фоиз ставкалари сақланиб қолди. Банклараро пул бозорида депозитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари фоиз коридори доирасида шаклланиб, сентябрь ойида йиллик 14,8 фоизни ташкил этди.

Миллий валютадаги кредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалар жорий йил сентябрь ойида 19,8 фоизгача пасайди. Жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги банк депозитлари бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалар сентябрь ойида 17,3 фоизни ва юридик шахсларники бўйича 14,8 фоизни ташкил этди.

Жорий йил апрель ойидаги сўм курсининг сезиларли пасайишидан сўнг алмашув курси динамикаси нисбатан паст тебраниш даражаси билан характерланиб, асосан хорижий валютага бўлган ички фундаментал талаб ва таклиф омиллари таъсирида шаклланимоқда. III чорақда сўмнинг алмашув курси қадрсизланиши қарийб 1,5 фоизни ва йил бошидан эса 8,6 фоизни ташкил этди.

Пандемия даврида иқтисодий қўллаб-қувватлашда фискал сиёсат (фискал рағбатлантириш) асосий ўрин тутди. Айти пайтда, Марказий банк томонидан банк тизимида амалга оширилган қуйидаги чора-тадбирлар ҳам макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга хизмат қилди:

1. Аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун кредит тўловлари муддатининг узайтириб берилиши. Натижада, иқтисодий субъектларининг жами 26,5 трлн. сўмлик (шундан 5,2 трлн. сўмлик жисмоний шахслар ва 21,3 трлн. сўмлик юридик шахслар) кредит тўловлари муддати 2020 йил 1 октябрга қадар узайтириб берилди. Шунингдек, тижорат банкларига мазкур кредитларни таснифлашда кредит сифатини ўзгартирмаслик ва захира шакллантирмаслик имконияти берилди.

2. Кредит тўловлари муддатининг узайтириб берилиши банк тизими ликвидлигига сезиларли таъсир этишини ҳисобга олиб **банк тизими ликвидлигини ва тўлов тизими барқарорлигини таъминлаш** борасида ҳам тегишли чоралар кўрилди.

Хусусан, 2020 йил 24 февралдан жорий этилган қисқа муддатли пул-кредит сиёсати инструментлари пандемия шароитида ўзининг ижобий самарасини берди ҳамда банкларга РЕПО ва валютавий своп операциялари орқали доимий равишда ликвидлик тақдим этилиб, инқироз шароитида ҳам тўловлар узлуксизлигини таъминлашга эришилди.

Шунингдек, мазкур даврда мажбурий захираларни ўртачалаш коэффициенти 2 маротаба – апрель ойида 25 фоиздан 35 фоизгача ва июнь ойида 35 фоиздан 75 фоизгача оширилди ва натижада, тижорат банкларига жами 2,8 трлн. сўмлик ликвидлик қайтариб берилди.

3. Иқтисодиётда инфляцияни пасайтириш ва иқтисодий фаолликни қўллаб-қувватлаш мақсадлари ўртасидаги мувозанатни таъминлаш вазифаларидан келиб чиқиб, Марказий банк пандемиянинг макроиқтисодий ҳолатга, шу жумладан, ялпи талаб ва таклифга таъсиридан ҳамда инфляциянинг жорий ва прогноз динамикасидан келиб чиқиб асосий ставкани пасайтириб борди.

Хусусан, Марказий банк Бошқарувининг 2020 йил 14 апрелдаги қарори билан асосий ставка 1 фоиз бандга пасайтирилиб, йиллик 15 фоиз даражасида 10 сентябрдаги қарори билан яна 1 фоиз бандга пасайтирилиб, йиллик 14 фоиз даражасида белгиланди.

4. Масофавий банк хизматларини янада ривожлантириш ва кенгайтириш. Карантиннинг дастлабки кунларидан бошлаб барча тижорат банклари масофавий банк хизматларини янада ривожлантириш, мобил иловаларини такомиллаштириш, онлайн депозит, кредит ва тўлов хизматларини фаоллаштириш ва банк биносига келмасдан барча турдаги банк хизматларини мижозларга етказиб бериш имкониятларини кенгайтиришга эътибор қаратди. Натижада, қисқа муддат ичида онлайн банк хизматларидан фойдаланувчилар сони сезиларли даражада ошди.

Жорий йилнинг 9 ойлик яқунлари бўйича банкларнинг молиявий барқарорлик ҳолати, шу жумладан коронавирус пандемиясининг оқибатлари ҳамда кредитлаш жараёнларини оптималлаштириш бўйича белгиланган вазифаларнинг бажарилиши куйидаги асосий кўрсаткичларда намоён бўлган.

Ҳисобот санасига банк тизимида капитал етарлилик (19,3%), юқори ликвидлик активлар улуши (ЮЛА - 10,5%), қисқа (LCR - 201%) ва узоқ муддатли ликвидлилик (NSFR - 107%) ҳамда муаммоли кредитлар улуши (NPL - 2,6%) нисбатан мақбул даражада эканлигини, яъни тизимнинг гўёки молиявий барқарорлигини кўрсатмоқда.

Бироқ, аксарият банкларда капитал ва ликвидлилик буферларини шакллантириш, кредитлаш жараёнларини оптималлаштириш ҳамда пандемия хатарларига банкнинг бардошлигини таъминлаш бўйича айрим муаммолар мавжуд.

Банклардаги ликвидлилик rischi ҳолати

Банклар қисқа муддатли мажбуриятларининг жами мажбуриятлардаги улуши жорий йилнинг ўтган даврида 5 фоиз бандга ошиб, 47 фоизга етган. Натижада, қисқа муддатли мажбуриятларнинг юқори ликвидли активлар билан қопланиш даражаси 7 фоиз бандга пасайиб, ҳисобот санасига 26 фоизни ташкил қилмоқда (мақбул даража 40%).

Пандемиянинг салбий оқибатларини юмшатиш чора-тадбирлари доирасида хорижий валютадаги тўловлар муддати узайтирилган кредитлар бўйича банкларнинг хорижий кредит линиялари мажбуриятлари ўз маблағлари эвазига амалга оширилди.

Бирок, вужудга келган тақчиллик аксарият банклар томонидан қисқа муддатли (12 ойгача бўлган) қарз маблағларини жалб этиш орқали қопланган.

Бунинг натижасида, хорижий валютадаги қисқа муддатли мажбуриятларнинг жами хорижий валютадаги мажбуриятлардаги улуши 5 фоиз бандга ошиб, 38 фоизга етган. Мазкур ҳолатда ҳам хорижий валютадаги юқори ликвидли активлар қисқариши давом этган ва йил бошига нисбатан 4,5 фоиз бандга камайиб, 10,9 фоизгача пасайган. Хорижий валютадаги қисқа муддатли мажбуриятларнинг юқори ликвидли активлар билан қопланиш даражаси 17 фоиз бандга пасайиб, ҳисобот санасига 29 фоизни ташкил этган.

Марказий банк бошқарувининг 2020 йил 25 январдаги ликвидлиликни қоплаш меъёрий кўрсаткичини жорий йилнинг 1 июлигача янги методология талабларига мувофиқлаштириш вазифалари юклатилган эди. Пандемия оқибатлари инobatга олиниб, ушбу талаб ижроси 2021 йил 1 январига қадар кечиктирилди.

Бирок, юқори ликвидли активларнинг жами активлардаги улуши йил бошига нисбатан 1 фоиз бандга камайиб, 10,5 фоизни ташкил этган; янги методика бўйича ҳисоб-китоб қилинганда ликвидлиликни қоплаш (LCR) меъёри: барча валюталарда 3,3 фоиз бандга камайиб, 75 фоизни ҳамда хорижий валютада 11 фоиз бандга камайиб, 64 фоизни ташкил этган.

Йил бошига нисбатан ҳисобот санасида банк тизими бўйича соф барқарор молиялаштириш (NSFR) меъёри: барча валюталарда 6 фоиз бандга камайиб, 107 фоизни; миллий валютада 7 фоиз бандга камайиб, 111 фоизни; хорижий валютада 4 фоиз бандга камайиб, 103 фоизни ташкил этди.

Кўриниб турибдики, банк тизимида узоқ муддатли ликвидлилик меъёрлари минимал даражага яқинлашган бўлса, қисқа муддатли ликвидлилик меъёри талаблари эса 2021 йил 1 январгача мувофиқлаштирилиши юқори хатар остида.

Бундан ташқари, қисқа муддатли мажбуриятлар эвазига узоқ муддатли кредитларни ажратиш амалиётининг давом этиши бундан буёғига ликвидлилик меъёрларининг бузилишига ва узоқ муддатли ликвидлилик, айниқса хорижий валютада ликвидлилик тақчиллиги юзага келиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Банклардаги кредит rischi ҳолати

Муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши жорий йилнинг ўтган даврида банк тизими бўйича 1,1 фоиз бандга ошиб, таҳлил санасига 2,6 фоизни ташкил этган. Мазкур даврда муаммоли кредитлар 4 трлн. сўмга ёки 75 фоизга ошиб, 6,8 трлн. сўмга етган. Бунда “қониқарсиз” таснифланган кредитлар қолдиғи 88 фоизга, “шубҳали” кредитлар 1,1 баробарга ва “умидсиз” кредитлар 1,5 баробарга ортган. Натижада, “умидсиз” таснифланган кредитларнинг жами муаммоли кредитлардаги улуши 38 фоиздан 44 фоизга етган.

Кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши қўшимча яратилиши лозим бўлган захиралар

2020 йил 1 октябрь ҳолатига банкларда кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши 3,4 трлн. сўм миқдорида захиралар яратилмаган. Бунда, ҳукумат кафолати остида ажратилган кредитлар бўйича яратилмаган захиралар 3 трлн. сўмни ва кредит портфели таснифи бўйича қўшимча захиралар 409 млрд. сўмни ташкил этган.

Ҳисобот санасига соф (захиралар чегирилган ҳолда) муаммоли кредитларнинг жами капиталга нисбати йил бошига нисбатан 2,3 фоиз бандга ошиб, банк тизими бўйича 5 фоизни ташкил этган.

Марказий банк томонидан коронавирус пандемияси даврида пул-тушумлари кескин камайган корхоналарнинг кредит қарздорликлари муаммога айланиши бўйича ўтказилган стесс-тест натижалари, 2020 йил якунига қадар муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши 5,7 фоизга етишини кўрсатмоқда.

Асосий воқеалар ва банкнинг жорий фаолияти

2020 йида банк ўз фаолиятини изчил ривожлантириш ва кенгайтириш, банкнинг молиявий барқарорлигини ошириш, захира базасини мустаҳкамлаш, кўрсатилаётган банк хизматлари турларини кенгайтириш ва сифатини яхшилашга қаратди.

2020 йилнинг ўтган даври морбайнидаги энг муҳим воқеа сифатида 2020 йилнинг 13 мартда «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ «GLOBAL FINANCE» халқаро нуфузли молиявий журналининг талқинига кўра кетма-кет **еттинчи мартаба** Осиё-Тинч океани минтақаси банклари орасида Ўзбекистоннинг энг яхши банки деб эътироф этилганлиги бўлди. Жорий йилда Банк навбатдаги кузатув аудитидан ўтиб, унинг сифат менежменти тизими ХС и O'z DSt ISO 9001:2015 талабларига мослиги тасдиқланди.

2020 йилнинг январь-октябрь ойлари мобайнида банк фаолиятидаги асосий воқеалар хроникаси

<i>Январь 2020</i>	<i>Банк ва Berliner Sparkasse (Германия) ўртасида хусусий сектор лойиҳаларини молиялаштиришга оид кредит битими имзоланди.</i>
<i>Март 2020</i>	«ASIA ALLIANCE BANK» халқаро нуфузли молиявий «GLOBAL FINANCE» журналининг талқинига кўра кетма-кет еттинчи марта Ўзбекистоннинг энг яхши банки номига сазовор бўлди. Банк навбатдаги кузатув аудитидан ўтиб, унинг сифат менежменти тизими ХС и O'z DSt ISO 9001:2015 талабларига мослиги тасдиқланди. Қашқадарё вилоятининг Муборак шаҳрида “Муборак” банк хизматлари маркази очилди.
<i>Апрель 2020</i>	“ASIA ALLIANCE BANK” АТБ Ўзбекистондаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг савдо амалиётларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Осиё тараққиёт банкнинг Савдони молиялаштириш дастурига қўшилди ва тегишли шартнома имзолади.
<i>Июль 2020</i>	"Тошкент" республика фонд биржасида юридик ва жисмоний шахслар ўртасида банкнинг 45 млрд. сўмлик корпоратив облигациялари муваффақиятли жойлаштирилди. Moody's Investors Service Ltd томонидан банкнинг аввалги B2 даражали халқаро кредит рейтинги тасдиқланди.
<i>Сентябрь 2020</i>	Тошкентдаги Япониянинг Рақамли университети (“Japan Digital University” - JDU) вакиллари ва банк раҳбарияти ўртасида JDUда ўқиш учун танловдан ўтган талабаларга имтиёзли кредитлар ажратиш тўғрисида битим имзоланди. European Merchant Bank (Литва) билан ҳамкорлик ўрнатилиб, 1,0 млн. евро миқдорида банклараро депозит жалб этилди. Бухоро шаҳрида “Дилкушо” банк хизматлари маркази очилди.
<i>Октябрь 2020</i>	Осиё тараққиёт банки томонидан ўтказилган Савдони молиялаштириш дастури иштирокчиларини тақдирлаш маросимида банк “Йилнинг энг яхши кичик ва ўрта бизнес лойиҳасини молиялаштирган банки” деб эътироф этилди.

Банкнинг бозордаги мавқеи

Ўтган 12 ой давомида «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ нинг фаолияти ликвидликнинг муқобил даражасини ва капитал етарлилигини сақлаш билан банк фаолияти асосий йўналишлари ўсишини таъминлашга йўналтирилди.

2020 йил 1 октябрь ҳолатига банк асосий кўрсаткичлар ҳажмини оширишга муваффақ бўлди. Энг катта ўзгаришлар банк активлари ва кредит портфелида кузатилган.

Банк кредит портфели 01.10.2019 йилга нисбатан 15% га ошиб, 1,8 трлн. сўмни ташкил қилди. Бу эса ўз навбатда фоизли даромадларнинг 39% га ошишига ва 296 млрд. сўмдан ортиқ миқдорни ташкил қилишига таъсир кўрсатди. Банк активлари 15% га (2,3 трлн. сўмдан 2,7 трлн. сўмгача) ошди. Банк жами капитали эса 19% га ёки 53,4 млрд. сўмга ошди. Банк соф фойдаси ўтган йилнинг 9 ой натижаларига нисбатан 20% га ёки 6,8 млрд. сўмга ошди. Кучли рақобат муҳитида банк ўз позициясини фақат активлар ҳажми бўйича сақлаб қолишга эришди.

«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ нинг бозордаги мавқеи

<i>Кўрсаткичлар</i>	<i>01.10.19 йил ҳолатига</i>		<i>01.10.20 йил ҳолатига</i>	
	<i>млрд.сўм</i>	<i>банк мавқеи</i>	<i>млрд.сўм</i>	<i>банк мавқеи</i>
Жами активлар	2 336	18	2 693	18
Кредит портфели (брутто)	1 543	16	1 767	17
Мижозларнинг депозитлари	1 722	16	1 851	18
Акциядорлик капитали	278	19	332	20

Кредит портфели, депозит база, капиталлашувнинг янада ўсиши ҳисобига банкнинг рақобатбардошлик мавқеини бозорнинг асосий бўғимларида сақлаб қолиш ва янада мустаҳкамлаш бугунги кунда долзарб масала бўлиб турибди. Таъкидлаш жоизки, Банкни ривожлантириш Стратегиясида 2017-2020 йиллар учун кўзда тутилган мақсадларида ҳар йили активларнинг камида 30 фоизга, капиталнинг эса 25 фоизга ўсиши мўлжалланган эди.

Муддатли депозит базасини кенгайтириш ва кучайтириш, ҳамда аҳоли ва хўжалик субъектлари пул маблағларини банк депозитларига жалб этиш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида 01.10.2020 йил ҳолатига миждозлар ҳисобрақамларидаги қолдиқ 1 851 млрд. сўмга (01.10.2019й. нисбатан ўсиш – 8%), жалб қилинган муддатли депозитлар қолдиғи 1 096 млрд. сўмга (ўсиш – 15%) етди. Бундан ташқари жалб қилинган кредит линиялар/маблағлар 135 млрд.сўмга ёки 50% ошиб, 403 млрд.сўмни ташкил этди.

2020 йил 3 чорак натижаларига кўра юқори ликвидли активлар жами активларнинг 25% улушини ташкил этиб, банк тўлов қобилияти баландлигини акс эттирди. Банкнинг барқарор ликвид позицияси халқаро рейтинг агентликлари ва молия институтлари томонидан ижобий баҳоланишига сабаб бўлмоқда.

01.10.2020 йил ҳолатига ликвидликни қоплаш меъёри 302,6% ни ташкил қилди (мин норма 100%), шу жумладан миллий валютада – 252,3%, хорижий валютада – 360,4%; соф барқарор молиялаштириш меъёри – 115,5%, шу жумладан миллий валютада – 110,1%, хорижий валютада – 126,4%.

Иктисодий норматив номи	01.01.2020	01.04.2020	01.07.2020	01.10.2020	Норматив миқдор
Ликвидликни қоплаш меъёри	2,890	2,170	3,306	3,026	Мин
Соф барқарор молиялаштириш меъёри	2,271	1,401	2,293	2,523	1,00
	3,749	3,798	5,634	3,604	Мин
	1,149	1,179	1,175	1,155	1,00
	1,065	1,137	1,126	1,101	
	1,325	1,268	1,292	1,264	

Ҳозирги кунда банк кредит лойиҳаларни молиялаштириш ҳажмини кенгайтириш, банк инфратузмасини ривожлантириш, халқаро молия институтлари ва хорижий банкларнинг кредит линияларини жалб этиш бўйича фаолиятни кенгайтириш учун банк капиталига қўшимча қўйилмалар киритишга эҳтиёж сезмоқда.

Капиталлашув даражасини яхшилаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар, шу жумладан 2019 йил 2-ярим йиллигида ҳажми 50 млрд. сўмга тенг банк регулятив капиталига киритилган облигациялар чиқарилиши, банк капитал етарлилиги кўрсаткичини оширишга имкон яратди. Ҳозирги кунда 45 млрд. сўмдан юқори суммадаги облигациялар мувафаққиятли жойлаштирилди, бу эса жами чиқарилув ҳажмининг 90 фоизни ташкил этмоқда.

Банкнинг молиявий барқарорлиги миллий ва халқаро шкалалар бўйича рейтинг баҳолаш натижаларидан ҳам кўриниб турибди. Бу борада рейтинг агентликлари доимий мониторинг олиб бормоқда. Хусусан, банк миллий ва хорижий валютадаги депозитлар рейтингида «Moody's Investors Service» рейтинг агентлигининг баҳосига кўра B2 натижани сақлаб турибди.

Банк хизматлари бозорида кучайиб бораётган рақобат, молиявий тизимни либераллаштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, шунингдек мамлакат банк тизимининг жадал суръатлар билан ривожланиб бораётганлиги банк фаолияти учун асосий туртки бўлиб хизмат қилмоқда. Ана шу жиҳатлар банк фаолиятини барқарор ривожлантиришни таъминлаш, активларнинг юқори сифатини ушлаб туриш ва кредит портфелининг диверсификациясини янада яхшилаш, сотувлар тармоғини кенгайтириш ва банкнинг чакана бозордаги мавқеини бизнес-жараёнларни оптималлаштириш ва такомиллаштириш орқали мустаҳкамлаш, банкнинг рақабатбардошлик салоҳиятини кучайтириш бўйича бир қатор вазифаларни олдимизга қўймоқда.

БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

2021 йилда банк бизнеси тижорат банклари олдига қўйилган қуйидаги устувор вазифаларни бажаришга қаратилади:

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида банк тизими олдига қўйилган устувор вазифаларни бажариш;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги Фармонида асосан банк фаолиятини ислоҳ қилишга доир ишларни давом эттириш;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сонли “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида доир тегишли вазифаларни бажариш;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 декабрдаги ПҚ-4553-сонли “Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан банкни хусусийлаштиришга доир бошланган ишларни якунлаш;

– банк фаолиятини трансформация қилиш, бизнес жараёнларини оптималлаштириш ва мазкур жараёнларни қоғозсиз технологиялар ёрдамида амалга оширилишини таъминлаш, банк бошқаруви тизимини такомиллаштириш, банк маҳсулотларини стандартлаштириш, шунингдек меҳнат унумдорлигини ошириш ва уни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш;

– “Рақамли банк” лойиҳасини амалга ошириш, истиқболли инновация технологияларини янада ривожлантириш ва жорий этиш, телекоммуникация инфратузилмасини ва техник воситалар комплексини такомиллаштириш, сотувнинг электрон каналларини ривожлантириш;

– Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси билан ҳамкорликда «Исломий дарча» фаолиятини жорий қилиш, ушбу мақсадларда шариат аҳкомлари асосида банк хизматларини тақдим қилиш имконини берувчи дастурий таъминот сотиб олиш ва ўрнатиш, ҳамда ҳодимларни ўқитиш, инфратузилма яратиш (бош офисда ва филиалларда алоҳида хоналар ташкил этиш);

– банк хизмат турларини ва сотув каналларини, шу жумладан оммабоп чакана маҳсулотлар турларини кенгайтириб бориш;

– рейтинг даражасини яхшилаш чора-тадбирларини амалга ошириш, корпоратив бошқарув услубларини такомиллаштириш, банк активлари сифат даражасини ошириш ва бошқаришнинг илғор услубларини жорий этиш орқали банкнинг нуфузини ва унинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш;

– бизнес-жараёнларининг сифат кўрсаткичлари, шу жумладан, мижозларнинг қониқиш ва содиқлик даражасини баҳолаш (NPS, CSI), ходимлар иш фаолияти самарadorлигининг асосий кўрсаткичлари (KPI) тизимларини жорий қилиш;

- банк ходимлари билим ва малака даражасини мунтазам ошириб бориш, мураббий-шогирд тизимларини жорий қилиш орқали меҳнат унумдорлигини ҳамда мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириб бориш;
- банк таваккалчилигини энг яхши маҳаллий ва халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда баҳолаш фаолиятини янада такомиллаштириш.

Банк фаолиятини трансформация қилиш

Банқда рақамли технологияларни жорий этиш, илғор халқаро тажрибаларга ва замон талабларига мос банк хизматларини кўрсатиш, банк бизнес жараёнларини оптималлаштириш ҳамда банк фаолиятини трансформация қилиш жараёнини ташкил этиш мақсадида Банк Бошқарувининг 2019 йил 16 октябрдаги 110-сонли қарорига асосан Лойиҳа офиси ташкил этилди.

Лойиҳа офиси томонидан банкнинг жорий ҳолати диагностика (SWOT таҳлил) қилинди, бизнес йўналишлар, маҳсулотлар ва хизматлар, уларнинг устуворликка асосланган бизнес жараёнларининг функционал–иқтисодий таҳлили ўтказилди, ташкилий ва операцион тузилмаларни, шунингдек харажатлар таркибини оптималлаштириш, бизнес-жараёнларининг сифат кўрсаткичлари, мижозлар эҳтиёжини қондириш (NPS, CSI) ва ходимлар иш фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари (KPI) асосида таркибий бўлинмалар ва ходимларнинг меҳнатини рағбатлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Банк фаолиятини трансформация қилиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар доирасида банкнинг ташкилий тузилмасига бир қатор ўзгартиришлар киритилди. Жумладан, 2 нафар малакали хорижий консультантлар жалб этилди, Чакана бизнес ва электрон тижоратни ривожлантириш бошқармаси ташкил этилди, 2020 йилдан бошлаб банк йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилиши сабабли солиқ ҳисоботлари ва солиқ тўловлари марказлашган ҳолда амалга оширилиши муносабати билан филиаллардаги Банк ички амалиётлари ҳисобини юритиш бўлимлари ҳамда бош бухгалтер ўринбосари штат бирликлари қисқартирилди. Мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида аутсорсинг асосида фаолият юритиб келган Call-марказ ўрнига банкнинг ўз Контакт-маркази ташкил этилди.

Шунингдек, Лойиҳа офиси ҳамда жалб этилган хорижий консультантлар билан биргалиқда банк Кенгашининг 2020 йил 28 февралдаги К-5-сонли қарори билан тасдиқланган “Банкнинг чакана фаолиятини оптималлаштириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар дастури” доирасидаги ташаббусларни амалиётга жорий этиш мақсадида Чилонзор филиалида синов тариқасида чакана хизмат кўрсатиш жараёнларини универсаллаштириш лойиҳасини амалга ошириш бошланди.

Мазкур лойиҳа доирасида Чилонзор филиалида аввалги ҳар бир чакана хизмат тури бўйича алоҳида ходим бириктириш тизими ўрнига универсал менеджер ва универсал кассирлар орқали хизмат кўрсатиш тизими жорий этилди, мижозларга хизмат кўрсатишда қулай шароит яратиш мақсадида филиалда хизмат кўрсатиш ҳудуди оптималлаштирилди, банк маҳсулотларини сотишнинг самарали тизими жорий этилди, масофавий банк хизмат турлари таркибини кенгайтириш ва уларни мижозлар орасида оммалаштириш бўйича ишлар олиб борилди ҳамда ходимлар меҳнатини рағбатлантириш (KPI) тизимини жорий этишга доир таклифлар ишлаб чиқилди. Чилонзор филиалида амалга оширилган лойиҳани бошқа филиалларда ҳам жорий этиш режалаштирилмоқда.

Банк фаолиятини трансформация қилиш ишлари доирасида 2021 йилда қуйидаги йўналишларда ишлар амалга ошириш режалаштирилмоқда:

1. Банк томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш ва операцион харажатларни оптималлаштириш:

- мижозларга хизмат кўрсатишнинг ягона стандартларига асосланган янги форматини жорий этиш, кутиб олиш (ресепшн), касса амалиётлари, ўзига ўзи хизмат кўрсатиш, кутиш зоналарига ажратиш ва фронт-офисларни универсаллаштириш ҳамда Банкнинг Тошкент шаҳридаги филиалларини босқичма-босқич Банк хизматлари марказига айлантириш жараёнларини яқунлаш;
- банк амалиётлари бизнес-жараёнлари ва ҳужжатлар айланмасини тизимли дастурий таъминотлар ва қоғозсиз технологиялар асосида содалаштириш ва автоматлаштириш, шу жумладан,
- мижозларни жалб қилиш, уларга хизмат кўрсатиш ва банкда ушлаб қолиш ҳамда уларга банк маҳсулотларини етказиш имкониятларини кенгайтириш, жумладан жисмоний шахслар ва кичик тадбиркорлик субъектларини кредитлашда автоматлашган конвейер ва скоринг тизимларини жорий қилиш мақсадида мижозлар билан муносабатларни бошқариш тизими (FB CRM)ни амалиётга жорий қилишларини тўлиқ яқунлаш;
- мижозларга идентификация қилиш, қарз бериш, тўловларни амалга ошириш ва нақд пул хизматларини кўрсатиш жараёнида биометрик технологияларни кенг қўллаш, хусусан, бармоқ излари ва юз назорати ёрдамида операцияларни амалга ошириш, мобил дастур ёки бошқа ўзига ўзи хизмат кўрсатиш ускуналари орқали мижозларни аниқлаш имкониятларини яратиш;
- операцияларни қоғозсиз технологияларга ўтказиш, хусусан планшет ечимлари, идентификацияловчи камералар, QR кодлар, паспорт ёки ID картани ўқиш мосламалари ва бошқа дастурий воситаларни амалиётга тадбиқ этиш.

2. Банкнинг мижозга йўналтирилган, аҳолини кенг қатламга мўлжалланган замонавий банк хизматлари кўламини кенгайтириш, ахборот ва рақамли технологияларни кенг жорий қилиш масофавий ва ўзига ўзи хизмат кўрсатиш тизимларини ривожлантириш ва мижозларни кенг жалб этишга қаратилган тизимли ишларни амалга ошириш.

- рақамли банк хизматлари кўламини кенгайтириш, хизмат кўрсатиш тезлиги ва сифатини ошириш мақсадида банкнинг MyAlliance мобиль иловаси ва Интернет-банк янгиланган версиялари, электрон ҳамён, маркет-плейс ва мижозларнинг хайрихоҳлик дастурлари ва бошқа шу каби жозибадор йўналишларни қамраб олувчи “FB DIGITAL BANK” рақамли банк платформасини ишлаб чиқиш;
- тўловларни нақдсиз шаклларини амалга оширишнинг инфратузилмасини ва функцияларини такомиллаштириш, банкнинг агентлик тармоғини кенгайтириш, техник жиҳозланиш даражасини ошириш, POS-терминаллар тармоғини (Эквайринг), банкомат, АДМ-аппаратлари, тўлов терминаллари, инфокиосклар, контактсиз тўловлар ва бошқа тўлов инструментлари тизимини кенгайтириш;
- инвестицион маслаҳат, факторинг, лойиҳавий молиялаштириш, лизинг ва бошқа жозибадор банк хизматларини жорий қилиш ва кўламини кенгайтириш;
- кичик ва ўрта бизнес субъектларига кўрсатилаётган хизматларнинг кўламини ва сифатини бизнес-жараёнларни ихчамлаштириш, стандартлаш ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш орқали ошириш;
- хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган “Исломий дарча” лойиҳаси доирасида исломий молиялаштириш тизимини жорий этиш;

– мижозларни кенг жалб этишга қаратилган кенг қамровли маркетинг тадқиқотлари ва сегментлаш ишларини амалга ошириш, банк хизматларини миқёсини кенгайтириш, турли кўриниш ва мазмундаги ко-брендинг ва бошқа жозибадор дастурлар ишлаб чиқиш, суғурта компаниялари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

– аҳоли кенг қатламлари орасида мобиль банкинг хизматларини оммавийлаштиришга қаратилган актив маркетинг сиёсатини амалга ошириш (бонус баллар, кэш-бэк, ўзгарувчан ва жозибадор тариф ва курслар, турли акцияларни ўз ичига олган тизимни жорий этиш);

– мижозларни масофавий хизмат турларидан ва ўз ўзига хизмат кўрсатиш ускуналаридан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатиш тизимларидан фойдаланишни рағбатлантирувчи банк офиси ва масофавий хизмат турлари тариф ставкаларини қайта тўлиқ кўриб чиқиш.

3. Банк амалиётларини амалга ошириш жараёнларини тартибга солувчи ички меъёрий ҳужжатлар, шу жумладан банк амалиётларида қўлланиладиган шартномалар ва кунлик ҳужжатларда тикиб бориладиган ҳужжатлар шакллари соддалаштириш, қоғозсиз технологиялар ва биометрияга асосланган оферталарни кенг қўллаш, ҳужжатларни электрон шаклда юритиш, операцияларни электрон тарзда тасдиқлаш ва верификация қилиш механизмларини жорий қилиш.

4. Банк тизимида бухгалтерия ҳисоби ва бошқарув менеджментини бошқарув ҳисоб тизимини яратиш ҳамда молиявий ҳисоботларни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХС) тўлиқ мувофиқлаштирилишини таъминлаш орқали янада такомиллаштириш:

– Банкнинг бошқарув ҳисоб (управленческий учет) тизими концепциясини ишлаб чиқиш ҳамда бошқарув ҳисоботлар тизимини яратиш;

– Банк ҳисоботларини Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига трансформация қилиш юзасидан методик қўлланмалар, шаблон ва шакллар ишлаб чиқиш;

– Банк назорат бўйича ҳисоботларни ва бошқарув ҳисоботларини ORACLE BI тизимида автоматлаштирган ва марказлашган тарзда тайёрланиши ва тегишли инстанцияларга тақдим қилиб борилишини таъминлаш;

– Бошқарув ҳисоботларини юқори самарали таҳлил механизминини жорий этишга йўналтирилган ҳисобот шакллари, диаграмма ва дашбордларни ишлаб чиқиш.

5. Банк ва унинг филиаллари ИТ инфратузилмасини ривожлантириш ва кенгайтириш:

– Банк фаолиятининг узлуксиз ишлашини таъминлаш учун технологик шароитларни яратиш, шу жумладан зарурий ускуналар паркани янгилаш, сервер ускуналарини сотиб олиш ва ўрнатиш;

– Банкдаги бизнес-жараёнларни банк хизматларининг функционаллиги, мавжудлиги, салоҳияти, хавфсизлиги, узлуксизлиги билан белгиланадиган, бизнес бўлимларини ишлашини енгиллаштирадиган ва тезлаштирадиган янги АБС дастурий таъминотлари ва дастурларини яратиш орқали такомиллаштириш ва оптималлаштириш;

– ИАБС, FB CRM, FB DIGITAL BANK тизимлараро ҳамда Банк Контакт-маркази, Электрон навбат тизими, тўлов тизимлари ва бошқа ташқи тизимлар билан ўзаро ахборотлар алмашинуви бўйича интеграциялаш ишларини амалга оширишни таъминлаш

– ORACLE BI бизнес-аналитика дастурий таъминоти имкониятларини кенгайтириш мақсадида Банкнинг корпоратив маълумотлар омборини такомиллаштириш ва тўлдириш, аналитик ҳисобни такомиллаштириш ва ИАБС қуйи тизимларини такомиллаштириш;

– Банкда электрон ҳужжат айланмасини такомиллаштириш мақсадида дастурий таъминотни тадбиқ этиш.

6. Корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш:

– Банк бошқарув аппаратидаги таркибий тузилмаларини: бошқарув жараёни, банк хизматлари ва маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва сотиш (асосий) жараёнлар; таъминловчи ёки қўллаб қувватловчи жараёнлар каби тоифаларга ажратган ҳолда қайта кўриб чиқиш;

– балансланган кўрсаткичлар тизими (BSC), мақсадлар, асосий натижалар ва вазифалар бўйича бошқариш (SMART), фаолиятнинг асосий кўрсаткичлари (KPI) концепциялари ҳисоб китоб методикаларга асосланган ходимларни рағбатлантириш ва назорат қилиш тизимини яратиш;

– иш жараёнларини ташкил қилиш билан боғлиқ муаммолар ва камчиликларни, шунингдек банкдаги кундалик фаолиятнинг бошқа масалаларини аниқлаш мақсадида электрон сўровнома, таклифлар дастури ва маълумотлар базасини тузиш орқали ходимларнинг фикр ва таклифларини ўрганиш амалиётини амалга ошириш;

– маълумотларни ошкор қилиш тизимини такомиллаштириш, шу жумладан Банк веб-сайтини янги версиясини яратиш ҳамда алоқадор шахслар ҳисобини юритиш ва улар билан битимларни тузиш жараёнларини такомиллаштириш мақсадида ИАБС дастурий таъминот тизимининг “Алоқадор шахслар” қуйи тизимини амалиётга тадбиқ этиш ҳамда унга маълумотларни ўз ватқида ва тўлиқ киритиб борилишини таъминлаш.

Кредит фаолияти

2021 йилда кредит фаолиятини сифат жиҳатидан янада ривожлантириш ва кредит портфели ҳамда унинг таркиби бўйича миқдорий кўрсаткичларга эришиш бўйича бир қатор муҳим вазифалар белгиланган.

2021 йилда кредит ажратиш ҳажми 1 100 млрд. сўм миқдорида режалаштирилмоқда. Кредит портфелининг қолдиғи (брутто) 2021 йилнинг охирига келиб 2 060 млрд. сўмни ташкил этади. Кредит портфелининг (соф) ялпи активларга нисбати 66 фоизни (2022 йил 1 январь ҳолатига) ташкил этади. Эҳтимолдаги зарарларга қарши заҳира қолдиғи 30 млрд. сўм миқдорида режалаштирилмоқда, бу эса кредит портфели умумий ҳажмининг 1,5 фоизини ташкил этади.

2021 йилнинг охирига қадар қисқа муддатли кредитлар (лизинг) портфелини 350 млрд. сўмгача кўпайтириш, уларнинг кредит портфелидаги улушини 17 фоизгача оширишиш режалаштирилган.

Кўрсаткичлар	01.01.2022й. режа, млн. сўм
Кредит портфелининг қолдиғи (брутто), шу жумл.	2 060 016
қисқа муддатли кредитлар	350 400
узоқ муддатли кредитлар	1 709 600
Эҳтимолдаги йўқотишлар учун заҳира	30 001
Кредит портфелининг соф қолдиғи	2 030 016
Эҳтимолдаги зарар заҳираси/кредит портфели, брутто	1,5%

Кредитлаш соҳасида бизнес жараёнларни оптималлаштириш чораларини амалга ошириш мақсадида скоринг моделларининг янги услубиятларини қўллаш, кредит аризаларини кўриб чиқишнинг андеррайтинг тизимини жорий этиш ҳамда кредитлашнинг замонавий турларини жорий этиш бўйича бир қатор ишларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Кичик бизнес корхоналарининг узоқ муддатли истиқболли лойиҳаларини молиялаштириш манбалари бўлиб, банкнинг ўз ресурслари, халқаро молия институтларининг, хусусан Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорациясининг, Жаҳон банкининг кредит линиялари хизмат қилади.

Банк томонидан кредит портфелининг мос равишда диверсификацияланишини таъминлаш чоралари кўрилади. Чакана кредитлашни кенгайтириш доирасида банк томонидан, банк кредит портфели ялпи ҳажмида чакана кредитлар портфелини 40 фоизга етказиш режалаштирилмоқда.

Чакана кредитлар улушини ошириш билан бир қаторда, мазкур кредитларни кўриб чиқиш ва ажратиш жараёнларини соддалаштириш ҳамда шу билан бирга ушбу жараёнларда инсон омилини камайтириш борасида бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, кредитлар ажратиш тўғрисида қарор қабул қилишнинг самарали механизмининг жорий этиш мақсадида чакана кредитлаш жараёнида Fair Isaac and Co (FICO) халқаро скоринг моделининг асосий тамойилларига таянган ҳолда ишлаб чиқилган скоринг тизими жорий этилди.

Банкнинг ташкилий тузилмасига тегишли ўзгартириш киритилиб Чакана кредитлаш бошқармаси таркибида Андеррайтинг хизмати бўлими ташкил этилди ва ушбу бўлим юқори малакали андеррайтер гуруҳлари билан шакллантирилди.

FB CRM тизими базасида кредит дастурий таъминот ишлаб чиқувчилар билан биргаликда кредит жараёнларини автоматлашган қоғозсиз технологиялар асосида ташкил этиш бўйича бизнес-жараёнлар блок-схемалари ишлаб чиқилди ва автоматлашган кредит конвейер тизими ишлаб чиқиш ишлари яқунланди. Бугунги кунда мазкур тизим Чилонзор филиалида ишга туширилган ва дастлабки тест синовлари ўтказилмоқда. 2021 йилда мазкур тизим барча филиалларда ишга туширилади.

Кредит маҳсулотларини стандарт шаклда сотишни ташкил этиш мақсадида кредит маҳсулотлари паспорт тизими ҳамда ҳар бир кредит тури бўйича бизнес-жараёнларнинг блок-схемалари яратилган.

Банк томонидан коронавирус пандемияси оқибатида муаммоли активларнинг кўпайиб кетишини олдини олиш ва мижозларнинг қарз юки даражасини рухсат этилган миқдордан ошмаслигини таъминлаш мақсадида, кредит бўйича тўлов муддати ўтганлиги ва муддатларининг узайтирилганлиги учун мижозларга жарима чоралари қўлланилмади ҳамда кредитнинг асосий қарзи тўлови учун 6 ойгача имтиёз берилди ва пандемия даврида ҳисобланган, аммо сўндирилмаган фоиз тўловлари “Пандемия даврида ҳисобланиб кечиктирилган фоизлар” махсус ҳисоб рақамига ўтказилди ҳамда 6 (олти) ойгача муддатга тенг тақсимланган ҳолда ундириш чоралари кўрилмоқда.

2021 йилда чакана кредитлаш жараёнларини янада такомиллаштириш мақсадида қуйидаги лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган:

- банкда ташкил қилинган андеррайтерлар томонидан мижозни банкга келганлигини аниқлаш мақсадида биометрик (Face ID) таҳлил ўтказиш имконияти мавжуд дастурий таъминотларни жорий қилиш ва келгусида вужудга келиши мумкин бўлган кредит хатарларини олдини олишни таъминлаш;

- ажратилган чакана кредитларни мониторинг қилиш, қайтариш ва қайтарилмаган кредитларни бошқариш (soft collection, hard collection) юзасидан хорижий банкларнинг тажрибаси асосида тегишли дастурий таъминотларни жорий қилиш;

- мавжуд скоринг тизимини оптималлаштириш ва қарздор мижозларнинг хулқ-атвор (behavioral-scoring), фирибгарлик фаолияти эҳтимолини статистик баҳолаш (fraud-scoring) бўйича янги скоринг тизимини яратиш;

- онлайн кредит маҳсулотларини жорий қилиш ва кредит карта маҳсулотини ишга тушуриш.

Инвестиция ва эмиссия фаолияти

Банк инвестиция фаолиятини истиқболли йўналишлардан бири деб ҳисоблайди. Сўнги йилларда Ўзбекистон капитал бозори ривожланишининг узоқ муддатли стратегиясини амалга ошириш бўйича дастлабки қадамлар қўйилмоқда. Хусусан, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқа қатор халқаро экспертлар кўмагида 2020-2025 йилларда Ўзбекистон капитал бозорини ривожлантириш стратегиясининг лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур стратегиянинг асосий вазифаларидан бири этиб эркин муомаладаги қимматли қоғозларнинг Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотига нисбатини ҳозирги кундаги 1 фоиздан 2025 йил охиригача камида 10-15 фоизга етказиш белгиланган. Бунда фонд бозорини тартибга солувчи қонун ва қонун ости ҳужжатлар бозорини ривожланаётган давлатлар талабларига мувофиқлаштириш, молия бозорининг эко-тизимини яратиш, жамиятларда корпоратив бошқарувни ривожлантириш ва аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш орқали аҳолининг бўш турган маблағларини фонд бозорига жалб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Ушбу ижобий ўзгаришларни инобатга олиб, 2021 йилда ҳам банк қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси, инвестиция маслаҳатчиси сифатида фаолият юритиш имкониятларини баҳолаш мақсадида Ўзбекистон фонд бозоридаги тенденцияларни кузатиб боришни давом эттиради.

Хусусан, 2020 йилда республикада корпоратив облигациялар чиқарилиши шартлари соддалаштирилиб, масъулияти чекланган жамиятлар ҳам корпоратив облигациялар чиқариш ҳуқуқига эга бўлди. Истиқболда облигациялар бозорини молиялаштиришни жалб қилишда банк кредитига муносиб муқобил манба, аҳоли ва инвесторлар учун бўш маблағларни инвестиция қилишда жозибадор восита бўлиши кутилмоқда. ASIA ALLIANCE BANK қимматли қоғозлар бозорида орттирган тажрибаси асосида корпоратив мижозларига облигациялар чиқарилиши ва жойлаштирилишида андеррайтинг хизматини кўрсатишни режалаштирмоқда. 2021 йилда ҳам Банк таваккалчиликнинг минимал даражаси шароитида барқарор даромадлилик даражасини таъминлай оладиган сифатли инвестиция портфелини шакллантириш бўйича ишларни давом эттириб, Банк капиталига уларнинг босимини оптимал даражада ушлаб турилишини назарда тутди.

2019 йилда Банк муомала муддати 7 йилга тенг бўлган 50 млрд.сўм миқдорда ўзининг дастлабки корпоратив облигацияларини муомалага чиқариб, уларнинг 45 млрд. сўм қисмини фонд бозорида юридик ҳамда жисмоний шахслар ўртасида муваффақиятли жойлаштирди. Мазкур облигациялар чиқарилиши сўнги йиллардаги Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозори учун эксклюзив лойиҳа ҳисобланади ва бу банк фаолиятидаги оммавий равишда ўз кредит тарихини шакллантириш ҳамда капитал бозорида ўз мавқеини мустаҳкамлаш борасидаги навбатдаги дадил қадамдир. ASIA ALLIANCE BANKнинг капитал бозорларига муваффақиятли тарзда кириб бориши ҳамда барқарор қарз олувчи сифатида обрў-эътибор қозониши инвесторлар томонидан Банкга бўлган ишонч тобора ошиб бораётгани далилидир.

2021 йилда банкнинг эмиссиявий фаолияти қарзга оид ва улушли қимматли қоғозларни чиқариш ва сотиш орқали банкнинг узоқ муддатли ресурс базасини мустаҳкамлашга қаратилади. Қимматли қоғозлар чиқарилиши банкга банкнинг ресурсларини кенгайтириш ва диверсификациялаш имкониятини яратиб бериши ҳамда банкнинг барча омонатчиларига ўз бўш пул маблағларини жозибадор шартлар асосида жойлаштиришнинг муқобил имкониятини беради.

Ғазначилик амалиётлари

Бугунги кунда тижорат банкларида ғазначилик функцияси банк ликвидлигини бошқариш ва банклараро бозордаги операциялар периметрида ўзиб чиқиб, банкда барча молиявий муносабатларни, банк баланси структурасини ҳамда банк рискларини бошқаришнинг ҳал қилувчи жараёнига айланиб бормоқда. Регулятор талабларининг кучайиши, молия бозорларидаги мураккаб тенденциялар банкларда ғазначилик ролини янада оширмоқда. Ғазначилик олдида юзага келаётган мураккаб масалалар ва жиддий вазифалар истиқболда маълумотларни таҳлил қилишда инфор­мацион технологияларни кенг қўллаш, жумладан рақамли технологиялар ва сунъий интеллект имкониятларини самарали қўллашни тақозо қилади.

Ушбу йўналишда Банк ўзининг узоқ муддатли стратегияси доирасида дунёнинг нуфузли компаниялари билан ҳамкорликни кенгайтириб бормоқда. Хусусан, REFINITIV компанияси билан ҳамкорликда молия бозорларидаги тенденцияларни реал режимда кузатиш ва таҳлил қилиш имконини берувчи EIKON ахборот-таҳлилий терминалидан кенг фойдаланилмоқда. Шунингдек, маҳаллий ва халқаро валюта ҳамда пул бозорларида барча ғазначилик операциялари ҳамкор банклар билан REFINITIV компаниясининг «FX TRADING» савдо тизими орқали олиб борилмоқда. Ушбу тизим ҳар қандай суммага битимлар тузиш, битимларнинг таннархини пасайтириш, битим параметрларини шартлашиш муддатини қисқартириш, шунингдек ставка ва котировкаларни реал вақт шароитида олиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги ПФ-5877-сонли “Инфляция таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони­га мувофиқ, илғор хориж тажрибасига таянган ҳолда, Марказий банк облигацияларини муомалага чиқариш, овернайт депозитлар, доимий тусдаги депозит аукционлари, давлат қимматли қоғозлари ва хорижий валюта гарови остида кредит аукционлари ва овернайт кредитлари билан операцияларни ривожлантириш йўлга қўйилди, фоиз ва валюта хатарларини бошқаришда ҳосилавий инструментлар (своп, опцион ва фьючерслар) ва тижорат банкларининг валюта курси шаклланишидаги ро­лининг босқичма-босқич ошириб борилиши кўзда тутилди.

Ушбу ижобий ўзгаришлар Банк фаолиятини натижадорлигини янада ошириш, Банк ликвидлигини самарали бошқариш ҳамда дилинг операциялари соҳасида илғор банк тажрибасини жорий этиш имкониятини яратмоқда. Жумладан, мижозлар билан ўзаро муносабатлар самарадорлигини янада юксалтириш учун масофадан хизмат кўрсатиш каналлари орқали (интернет ва мобайл банкинг) реал вақт режимида ўтказилаётган операциялар ҳажми янада кенгайиб бормоқда.

Корпоратив мижозлар талабларига биноан, уларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида ташқи савдо контрактларни Хитой юани валютасида ҳисобини юритиш масаласи кўриб чиқилди. Ушбу мақсадда Bank of New York Mellon билан ҳамкорликда хорижий валютада тўловлар ва автоматик конверсия хизматларини ишга тушириш бўйича ишлар давом эттирилмоқда. Ушбу хизматдан жисмоний шахслар мобил илова орқали, юридик шахслар эса масофадан туриб хизмат олиш орқали фойдаланишлари мумкин.

Бозор иштирокчилари билан ҳамкорлик банклараро бозорда нуфузи ва ишончлилиги юқори бўлган банклар билан ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш орқали мустаҳкамланиб бормоқда. Банкни ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегиясига мувофиқ банклараро пул ва валюта бозорида банк операцияларини

чуқурлаштириш доирасида 2021 йилда ҳам қуйидаги тадбирларни амалга ошириш давом эттирилади:

- депозит, конверсия, банкнот битимлари ва бошқа турдаги хизматлар соҳасида мижозларга жозибадор банк хизматларини таклиф қилиш, шунингдек, мижозларнинг молиявий операцияларга қизиқишини кучайтириш бўйича турли маркетинг тадбирларини ўтказиш орқали хизматлар ҳажмини ва турларини кенгайтириш;

- корпоратив мижозларга валюталар котировкасини узатиш ва улар билан реал вақтда операциялар ўтказиш имконини берадиган конверсия хизматларини кўрсатиш бўйича онлайн платформани жорий этиш;

- пул ва валюта бозорлари инфратузилмасини ривожлантириш соҳасида молия бозорининг турли институтлари лойиҳаларида иштирок этиш ва ҳамкорлик қилиш;

- интеграл автоматлашган банк тизимида янги модулларни ишлаб чиқиш орқали дилинг операциялари жараёнларини такомиллаштириш, шунингдек жисмоний шахслар билан форекс операцияларини ўтказиш учун мобил илова имкониятларини кенгайтириш.

Халқаро фаолият

Халқаро фаолиятни кенгайтириш борасида, банк томонидан 2020 йилда халқаро молия институтларининг кредит линияларини жалб қилиш, хорижий банклар билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш ва банкнинг халқаро кредит рейтингини мустаҳкамлаш борасида бир қатор ишлар олиб борилди.

Жумладан, кичик бизнес ва хусусий сектор субъектларининг савдо амалиётларини қўллаб-қувватлаш мақсадида, 2020 йилнинг апрелида ASIA ALLIANCE BANK ҳамда Осиё тараққиёт банки (ОТБ) ўртасида ўзаро ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Натижада ОТБнинг савдони молиялаштириш дастури доирасида 5 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредит линияси жалб қилинди.

Турли хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш жараёнида Global Finance нуфузли халқаро нашри кетма-кет етти йил (2014, 2015, 2016, 2017, 2018, 2019 ва 2020й.) давомида ASIA ALLIANCE BANK ни “Осиё-Тинч океани минтақасида ривожланаётган бозорларнинг энг яхши банклари” номинациясида Ўзбекистоннинг энг яхши банки деб эътироф этди. Бундан ташқари, 2020 йилда банк, Осиё тараққиёт банки томонидан “Йилнинг энг яхши кичик ва ўрта бизнес лойиҳасини молиялаштирган банки” деб эътироф этилди.

Шу билан бирга, ASIA ALLIANCE BANKда «Исломий дарча» фаолиятини жорий қилиш мақсадида Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси (ХСРИК) билан ҳамкорликда қатор ишлар амалга оширилди. 2021 йилда, ушбу лойиҳа доирасида, шариат аҳкомлари асосида банк хизматларини тақдим қилиш имконини берувчи дастурий таъминот сотиб олиш ва ўрнатиш, ҳамда ҳодимларни ўқитиш, инфратузилма яратиш (бош офисда ва филиалларда алоҳида хоналар ташкил этиш) ва бошқа ташкилий ишларни амалга ошириш режалаштирилган. Натижада мамлакатимизда шариат аҳкомларига мос келувчи янги банк хизматлари жорий қилинади.

Узоқ муддатли кредит линияларини жалб этиш ва ўзлаштириш мақсадида халқаро молия институтлари (ЕТТБ, KfW ва ХСРИК) билан ҳамкорлик ўрнатиш ва ривожлантириш ишлари давом эттирилади.

2021 йилда Россиядаги энг нуфузли банклардан бири “Сбербанк” билан вакиллик муносабатларини ўрнатиш ва икки томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Шунингдек банк халқаро рейтинг агентликлари билан ҳамкорлик ишларини давом эттирмоқда. 2021 йилда банкнинг халқаро рейтингини сақлаб қолиш ва яхшилаш юзасидан зарур тадбирлар амалга оширилиши режалаштирилган.

Банкнинг нуфузини маҳаллий ва халқаро майдонда янада мустаҳкамлаш мақсадида, банк хорижий банклар, халқаро молия институтлари, «The Banker», «Global Finance», «Euromoney» каби нашрлар ва оммавий ахборот воситалари томонидан ташкил этиладиган турли халқаро банк кўргазмаларида, анжуманларида, семинарларида, тажриба алмашувида ва танловларида иштирок этишни давом эттиради.

Чакана мижозларга хизмат кўрсатиш

Аҳоли турмуш фаровонлиги ошиб бориши шароитида уларнинг янги замонавий банк хизматларига бўлган талаби ҳам ўсиб боради. Ушбу шароитда чакана банк хизматлари бозорида ўз ўрнига эга бўлиш мақсадида банклар ва финтех компаниялар ўртасида кучли рақобатни кутиш мумкин.

Банк томонидан замонавий ахборот-технология ечимларини қўллаган ҳолда мижозларга хизмат кўрсатиш сифати ва қулайлигини ошириш мақсадида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, чакана кредитларга аризаларни қабул қилиш, қайта ишлаш ва қарор қабул қилиш босқичларини автоматлаштирадиган ҳамда битта кредитга аризани кўриб чиқиб қарор қабул қилиш учун кетадиган вақтни бир қанча тежайдиган кредит конвейри ишлаб чиқилди ва ҳозирда Чилонзор филиалида синов тариқасида фойдаланилмоқда. 2021 йилдан бошлаб ушбу кредит конвейрини барча филиалларда жорий қилиш режалаштирилган.

Бундан ташқари, масофавий кўрсатиладиган хизматлар турларини кенгайтириш мақсадида “Рақамли банк платформаси” лойиҳасини жорий қилиш устида ишлар кетмоқда. Ушбу платформа ёрдамида ундан фойдаланувчилар масофадан туриб банкнинг тўлақонли мижозига айланиши ҳамда банк хизматларидан исталган жойда ва исталган пайтда фойдаланиши мумкин бўлади. Рақамли банк платформаси доирасида онлайн кредитларни жорий қилиш режалаштирилган. Мижозлар микроқарз, овердрафт, кредит карта каби чакана кредит турларини қисқа муддатда, банкга ташриф буюрмасдан туриб ва энг муҳими куннинг исталган пайтида расмийлаштириш имкониятига эга бўладилар.

Аҳоли фаровонлиги ошиб борган сари, уларнинг маъиший техника ва истеъмол товарларига бўлган талаблари ҳам ўсиб боради. Аҳолининг ушбу эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда банк томонидан 2021 йилдан бошлаб, маиший техника ва истеъмол товарларини сотувчи тармоқлар билан ҳамкорликда бўлиб тўлаш карталари ва ушбу картадан амалга ошириладиган тўловлар учун “Cashback” жорий қилиш кўзда тутилган.

Ипотека кредитлари чакана кредитлашнинг истиқболли йўналишларидан бири ҳисобланади, лекин ушбу йўналишни ривожлантириш учун узоқ муддатли ресурсларни таъминлаш керак бўлади. Банк капиталига стратегик инвесторни ва халқаро молия институтлар ҳамда ҳорижий банкларнинг кредит линияларини жалб қилиш мақсадида, улар билан муносабатларни кенгайтириш келгуси йилларда банкнинг асосий вазифаси бўлиб, ипотека кредитларини молиялаштириш учун узоқ муддатли ресурсларни кенгайтиришга имконият яратади.

Чакана бизнес ривожланишининг бошқа муҳим йўналиши банкнинг чакана депозит базасини кенгайтиришдир. Аҳоли даромадлари ошиш муҳитида депозит операциялар ривожланиши учун яхши асос мавжуд. Ушбу шароитда банк хизматлари тармоғини ривожлантиришга инвестиция киритиш, реклама, мижозга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш орқали аҳоли маблағларини фаол жалб қилиш мумкин. Ушбу стратегия мижоз турига қараб табақалаштирилган, уларнинг ўзига хос талабларини қондиришга мўлжалланган жозибador депозит маҳсулотларни жорий қилиш орқали амалга оширилади.

Банк томонидан ресурс базасини ошириш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида депозитлар ҳажми йилдан йилга ўсиб бормоқда. III чорак якунлари бўйича жисмоний шахсларнинг депозит қолдиқлари 406,5 млрд. сўмга етган бўлса, ушбу

кўрстакичнинг йил бошидаги қиймати 234,6 млрд. сўми ташкил қилган эди (ўсиш суръати 171,9 млрд. сўм ёки 73,3%).

Бугунги кунда банк 20 турдаги муддатли ва жамғарма омонатларни аҳолига тақдим этиб келмоқда; улардан 11 таси миллий валютада, 9 таси хорижий валютада. Шу билан бирга мижозларга янада қулай шароитларни яратиш мақсадида MyAlliance мобил илова орқали миллий ва хорижий валютадаги муддатли ва жамғарма омонатларни масофадан туриб бошқариш имконияти хам мавжуд.

2020 йил 3 чорак натижаларига кўра MyAlliance мобил илова орқали очилган муддатли ва жамғарма омонатлар ҳажми 27,6 млрд. сўми ташкил этди. Йил бошида ушбу кўрстаткич 9,3 млрд. сўми ташкил этган эди (ўсиш 18,3 млрд. сўм).

Омонатлар ҳажмини ошириш ва банк мижозлари учун қулайликлар яратиш мақсадида банк дастур ишлаб чиқарувчи билан биргаликда универсал шартларга эга бўлган депозит маҳсулотини жорий қилиш устида ишлар олиб борилмоқда. Ушбу депозит тури орқали банк мижозлари ўз хоҳиш ва истакларига кўра депозит шартларини белгилашлари мумкин бўлади.

Банк мижозларига қулайликлар яратиш мақсадида халқаро пул ўтказма тизимлари (“Золотая корона”, “Азия-Экспресс”, “Контакт” ва “Юнистрим”) бўйича банк мобил илова орқали пул маблағларни миллий валютада ва хорижий валютада масофадан туриб олиш хизмати ишга туширилган эди, лекин ушбу хизмат тури банк иш вақти билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, дам олиш кунлари мижозлар учун ноқулайликлар олиб келмоқда. Хозирги вақтда хизмат сифатини ошириш мақсадида, халқаро пул ўтказмари тизимлари билан банк тизимини ва мобил иловани интеграция қилиш жараёни олиб борилмоқда. Ушбу интеграция натижасида банк мобил иловаси орқали пул ўтказмаларини 24/7 режимда қабул қилиш имконияти яратилади.

2021 йилда Банк томонидан мобил илова бир вақтнинг ўзида хизмат кўрсатиш ва сотишнинг самарали канали ҳамда содиқликни ошириш инструменти бўлиши учун унинг дизайнини қайтадан ишлаб чиқиш режалаштирилган. Бу эса ўз навбатда мижозларга ўзининг молиявий маҳсулотларини қулай ва фойдали бошқаришга имкон яратади.

2021 йилнинг I чорагидан бошлаб ПАО «СБЕРБАНК» билан ҳамкорликда Картадан картага пул ўтказиш (Card2Card) бўйича лойиҳа ишга тушиши кўзда тутилган. Бу орқали республикамиз ҳудудидаги ва ташқарисидаги мижозларимиз учун қулайлик яратилиб, пул ўтказмалари тезлик билан ўз эгаларига етиб бориш хизмати йўлга қўйилади.

Бундан ташқари, Рақамли Банк Платформаси лойиҳасининг таркибида бўлган савдо майдончаси (marketplace) ҳам келгуси йилда амалга оширилиши кўзда тутилаётган лойиҳалардан бири бўлмоқда. Ушбу лойиҳа орқали Банк бир нечта юридик ва жисмоний шахсларни бир майдонга йиғган ҳолда, товарларни реализацияси орқали жисмоний шахслар учун Банк томонидан кредит ажратиш амалиётлари ҳам бўлиб ўтиши режалаштирилган.

Шунингдек, Банк мижозларининг содиқлигини ошириш учун 2021 йилда бонус тизими ҳамда кэшбек (cashback) каби инструментлардан фойдаланиш орқали Банк мижозлари сонини ошириш мақсад қилиб олинган. Бунда мижозларни белгиланган тоифаларга ажратган ҳолда бонуслар берилади.

Банк тижорат банклар орасида биринчи бўлиб АДМ орқали хизмат кўрсатишни жорий қилган. АДМ орқали нақд пулни қабул қилиш, асслигини текшириш, тўловларни

амалга ошириш, депозитлар очиш, ҳамда юридик шахсларнинг ҳисобрақамларига онлайн тарзда пул тушириш операциялари автоматлаштирилди. Банк томонидан АДМ технологиясини ишлатилиши инкассация вақтини ва у билан боғлиқ молиявий харажатларни қисқартиришга, ҳужжатлар айланмасини автоматлаштиришга, пул маблағларни сақлаш хавфсизлигини оширишга ва тадбиркорлар инкассация тушумини шу кунни ўзида ишлатишига имкон яратди. Ҳозирги вақтда АДМлар орқали Виза карталарни тўлдириш бўйича тегишли синовлар ўтказиш ишлари якунланмоқда.

Чакана бизнеснинг қуйидаги йўналишларида ишлар фаоллашади:

- депозит хизматларнинг сифатини бошқариш тизимини такомиллаштириш ва аҳоли учун депозит маҳсулотларининг жозибадорлигини таъминлаш;
- интернет ва мобил банкинг орқали жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини муддатли ва жамғарма депозитларга жалб қилиш бўйича маҳаллий ва хорижий банкларнинг тажрибасини ўрганиш;
- фойдаланувчиларга карта ҳисобрақамларидаги бўш пул маблағларини муддатли ва жамғарма депозитларига жойлаштиришга имконият берувчи масофавий хизмат кўрсатиш (MyAlliance) имкониятини кенгайтириш (депозитни танлаш, омонатчи томонидан омонат шартларини қабул қилиш тизимнинг ўзида онлайн режимда амалга оширилади);
- “чакана операциялар” АБТ кичик тизим интерфейсини такомиллаштириш ва функционал имкониятларини кўпайтириш орқали иш қулайлигини ошириш;
- миқозларга комплекс хизмат кўрсатиш замонавий марказлари, кросс-сотув механизмини фаол ишлатиш орқали депозит маҳсулотларни сотиш каналларини кенгайтириш ва ривожлантириш;
- карталар бизнесини ривожлантириш (иш ҳақи лойиҳалари, VISA, Master Card, China Union Pay ва бошқалар).

Келгуси йилларда иш ҳақи лойиҳаларини ривожлантириш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- самарали миқоз базасини ошириш ва янги миқозларни жалб қилиш учун ускуналарни кенгайтириш (маркетинг фаоллиги, ойлик лойиҳалар доирасида маҳсулотлар турини ривожлантириш);
- сотув самарадорлигини такомиллаштириш;
- ойлик лойиҳалар сотувида чакана ва корпоратив банк орасидаги муносабатни чуқурлаштириш.

2021 йилда кўп функцияли банкоматлар (сўм, валюта, валюта айирбошлаш банкоматлар) сонини ошириш орқали ўзига ўзи хизмат кўрсатиш жойларини ошириш режалаштирилган.

2021 йилда ижтимоий йўналтирилган банк карта маҳсулотлари жорий қилиш бўйича ишлар давом этади – ижтимоий, оилавий, ко-бренд карталарни чиқариш, ишончли тўлов тури ва пул маблағлар жамғармаси сифатида уларни аҳоли орасида янада оммабоплаштириш учун рағбатлантирадиган, дисконт ва бонус лойиҳа ва хизматларни жорий қилиш.

Чакана хизматлар рентабеллигини ва ўзини узи қоплашини ошириш мақсадида улар бўйича хизмат кўрсатишни масофавий хизмат кўрсатиш каналлари ҳамда ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш пунктлари орқали амалга ошириш ва бундан операцион

харажатларни қисқартириш кўзда тутилган. Банк бизнес бўлинмаларининг самарадорлигини ошириш ва чакана банк маҳсулотларининг рентабеллигини таъминлашга қаратилган оператив бошқарув қарорларини қабул қилиш учун бошқарув ҳисобот тизимини яратиш ва чакана фаолиятини доимий баҳолаш амалиётини жорий қилиш бўйича ишлар давом этади.

Банк чакана бизнес соҳасидаги фаолияти муваффақиятли амалга оширилаётганини баҳолаш учун қуйидаги самарадорликни тавсифловчи муҳим кўрсаткичлар ишлаб чиқилади:

- ҳар бир чакана банк хизмати/маҳсулотининг тан нархи;
- асосий банк маҳсулотлари бўйича бозордаги ўрни (бозор улуши);
- мижозлар билан муносабатларнинг интенсивлиги ва чуқурлиги (бир мижозга маҳсулотлар сони ва ҳ.к.з.);
- хизмат кўрастиш сифати (хизмат кўрсатиш вақти, кредит ажратиш бўйича қарор қабул қилишга сарфланадиган вақт);
- мижозларнинг банк хизматларидан қониқиш кўрсаткичлари (содиқлик индекси, брендни қабул қилиш);
- сотув каналларини раивожлантириш (масофавий каналлар орқали транзакцияларнинг улуши, ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш пунктларида амалга оширилган амалиётлар сони ва ҳажми, вҳк.);
- ходимларнинг иш самарадорлиги кўрсаткичлари (бир ходимга тўғри келадиган оперциялар сони, кредит шартномалар сони ва бошқа кўрсаткичлар).

Филиаллар тармоғини оптималлаштириш ва форматини такомиллаштириш

2020 йилгача банк томонидан филиаллар тармоғини кенгайтиришга асосий эътибор қаратилди. Тошкент шаҳрида ҳамда мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти юқори бўлган ҳудудларда филиаллар тармоғи барпо этилди. Хусусан, Тошкент шаҳрида 6 та ва вилоятларда 4 та, шу жумладан, Самарқанд, Қарши, Бухоро ва охиргиси 2019 йилда Фарғона шаҳрида банк филиаллари ташкил этилди. Шундай қилиб, ҳозирги кунда банк тизимида 10 та филиал (Амалиёт бошқармаси билан) ва 12 та банк хизматлари маркази ва минибанклар фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида банк тизими учун белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда 2020 йилдан бошлаб банк филиалларида бизнес жараёнларни оптималлаштириш, филиаллар форматини қайта кўриб чиқиш ҳамда такомиллаштириш ва шу орқали уларнинг самардорлигини ошириш бўйича ишлар бошланди ва келгуси давр учун устувор вазифаси сифатида белгиланди.

Жумладан, банк тизимида рақамли технологияларни кенг қўллаш, банк хизмати кўрсатишни модернизация қилиш, банк инфратузулмасининг илғор андозасини яратиш мақсадида дастлаб синов тариқасида банкнинг Чилонзор филиалини Банк хизматлари маркази сифатида қайта ташкил этиш ишлари бошланди.

Мазкур вазифаларни самарали амалга ошириш мақсадида, дастлаб, банк филиалларини оптималлаштиришга доир ички тартиб ишлаб чиқилди ва банк Бошқарувининг 2020 йил 1 июндаги 43-сонли қарори билан тасдиқланди. Шунингдек Чилонзор филиалини Банк хизматлари маркази сифатида қайта ташкил этиш бўйича ишлаб чиқилган йўл харитаси асосида мазкур масала банк кузатув кенгаши муҳокамасига киритилди ва кузатув кенгашининг 2020 йил 6 октябрдаги К-14-сонли қарори билан Чилонзор филиалини Банк хизматлари маркази сифатида қайта ташкил этиш масаласи маъқулланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Банк назорати қўмитасининг 2020 йил 4 ноябрдаги 266/1-сонли қарори билан 2021 йилнинг январь ойида Чилонзор филиалини Банк хизматлари маркази сифатида қайта ташкил этишга рухсат берилди.

Чилонзор филиалини синов тариқасида банк хизматлари маркази сифати қайта ташкил этишга қуйидаги омиллар сабаб бўлди.

Биринчидан, ривожланган мамлакатлар банк амалиётининг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, хизмат кўрсатиш жараёнлари тобора анъанавий банк офисларидан масофавий рақамли хизмат кўрсатиш платформасига ёки ихчам “смарт” офисларга ўтиб бормоқда. Худди шунингдек, бизнинг банкнинг бугунги кундаги хизмат кўрсатиш жараёнларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, корпоратив мижозлар тўловларининг 98 фоизи интернет банк тизими орқали масофадан, банк ходимлари иштирокисиз ўтказилмоқда, нақд пул топшириш учун 25 та онлайн инкассация қурилмалари – АДМлар ўрнатилган, 200 тадан ортиқ банкоматлар узлуксиз ишламоқда ва мазкур қурилмаларнинг сони ҳамда улар орқали амалиётлар хажми тобора ортиб бормоқда. Натижада мижозларнинг банк ходимларига мурожаати камайиб, масофавий банк хизматларига талаби кескин ошиб бормоқда. Ушбу ҳолатда, банк хизматлари марказини ташкил этиш жуда ўринлидир.

Иккинчидан, банк хизматлари маркази ўзининг ихчамлиги сабаб бизнес жараёнларни ва операцион харажатларни юқори даражада оптималлаштириш имконини беради. Хусусан, Чилонзор филиалини банк хизматлари маркази сифатида

қайта ташкил этиш орқали филиал ходимлари сонини 2 баробарга камайтириш мумкин. Шунингдек, Банк хизматлари маркази фаолият юритиши учун катта майдонли бино талаб этилмайди. Бу ўз навбатида бино билан боғлиқ бўлган харажатларни, шу жумладан, солиқ ва амортизация, қўриқлаш ҳамда бинодан фойдаланиш билан боғлиқ барча харажатларни кескин камайтириш имконини беради. Дастлабки ҳисобкитобларга кўра, Чилонзор филиалини банк хизматлари маркази сифатида қайта ташкил этиш харажатларини ўртача икки баробарга камайтириш имконини беради.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан банк хизматлари офиси тушунчаси киритилиб, олдинги минибанклар учун ўрнатилган барча чекловлар олиб ташланди. Жумладан, банк хизматлари маркази ташкил этиладиган ҳудудда банкнинг филиали мавжуд бўлиши талаб этилмайди, нақд пулни қабул қилиш ва сақлашга доир чекловлар, шу жумладан, айрим хизмат турларига доир чекловлар бекор қилинди. Энг муҳими банк хизматлари марказларини пул омбори билан бирга очишга ҳам рухсат берилди. Шунингдек, банк хизматлари марказини очишга Марказий банкнинг рухсати талаб этилмайди, фақат хабардор қилинади. Яъни, банк хизматлари марказининг мақоми олдинги андозадаги филиал мақоми билан тенглаштирилди.

Бу эса ўз навбатида келажакда ихчам офислар орқали республиканинг турли ҳудудларини (вилоятлар, туманлар) қамраб олиб, банкнинг мижозлар базасини кенгайтиришга йўл очиб беради. Энг асосийси, ихчам ва замонавий банк хизматлари маркази тармоғи орқали филиаллар сони камайтирилиб, “Ягона баланс – ягона мижоз” лойиҳасини амалга ошириш имконини беради. Натижада мижоз айнан бир филиалнинг мижози эмас, балки банкнинг тўлақонли мижозига айланиб, банкнинг исталган филиали ёки офисидан хизмат кўрсатилишига имкон яратилади.

Тўртинчидан, Чилонзор филиали нисбатан ёшлиги (2018 йилда ташкил этилган) ва мижозлар базасининг кичиклиги (400 тадан камроқ корпоратив мижозларга эга) туфайли банк хизматлари марказига айлантириш бўйича дастлабки лойиҳани муваффақиятли амалга ошириш учун муносиб филиалдир.

Чилонзор филиалини банк хизматлари маркази сифатида қайта ташкил этиш ишлари якунлаганидан сўнг, банкнинг бошқа филиалларини ҳам уларнинг ҳудудда эгаллаган мавқеидан, мижозлар кўлаמידан келиб чиққан ҳолда босқичма-босқич мазкур андоза асосида банк хизматлари маркази сифатида қайта ташкил этиш ишлари амалга оширилади.

Шу билан бир қаторда, фаолият юритаётган филиалларнинг бизнес жараёнларини оптималлаштириш бўйича ҳам бир қатор муҳим ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, барча филиалларда таркибий бўлинмаларининг иш хажми юки даражаси ва улардаги ходимлар сони мазкур иш хажмига мутаносиблиги ўрганиб чиқилди. Мазкур ўрганишлар ҳамда ходимлар ўртасида иш хажмини тўғри тақсимланиши таъминланганлиги натижасида филиаллардаги ходимлар сонини ўртача 20 фоизга оптималлаштиришга эришилди.

Бундан ташқари, 2020 йилдан бошлаб банк йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилиши сабабли солиқ ҳисоботлари ва солиқ тўловлари марказлашган ҳолда амалга оширилиши муносабати билан филиаллардаги Банк ички амалиётлари ҳисобини юритиш бўлимлари ҳамда бош бухгалтер ўринбосари штат бирликлари қисқартирилди.

Мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида оутсорсинг асосида фаолият юритиб келган Call-марказ ўрнига банкнинг ўз Контакт-маркази

ташқил этилди. Банкнинг Контакт-маркази ташқил этилиши уни бевосита банкнинг автоматлаштирилган тизимига улаш ва мижозларга айрим хизмат турларини тўғридан-тўғри амалга ошириш имконини берди.

Шунингдек, банкнинг инфратузилмалари орқали мижозларга банкнинг барча хизмат турларини тақдим этилишини таъминлаш мақсадида, Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган минибанкларнинг мақоми 2020 йил мобайнида банк хизматлари марказига ўзгартирилди. 2021 йилдан бошлаб эса ҳудудий филиаллар таркибидаги минибанкларни ҳам қайта ташқил этиш ва шу билан бирга Тошкент шаҳрида ҳам янги форматдаги замонавий ихчам банк хизматлари марказларини очиш режалаштирилмоқда.

Мижозларга масофавий ҳамда ўзига ўзи хизмат кўрсатиш қурилмалари орқали амалиётлар қўлами тобора ортиб бормоқда. Жумладан, 24/7 тартибида ишлайдиган ўзига ўзи хизмат кўрсатиш павильонлари сони 44 га етди, жами 200 дан зиёд банкоматлар ўрнатилган, 25 та Автоматлаштирилган Депозит Машиналар (АДМ) ўрнатилди, банкнинг мобил иловаси “MyAlliance” фойдаланувчилари сони 40 мингдан ошиб кетди.

2021 йилда банк филиаллари бизнес жараёнларини оптималлаштириш, жумладан, универсал менеджер ва универсал кассирлар орқали хизмат кўрсатиш тизимини жорий этиш, банк маҳсулотларини сотишнинг самарали тизимини жорий этиш, масофавий ва ўзига ўзи хизмат кўрсатиш тизимларини янада кенгайтириш ва энг асосийси филиалларнинг замонавий янги форматини ишлаб чиқиш ва амалда жорий этиш бўйича кенг қамровли ишларни амалга ошириш режалаштирилган.

Таваккалчиликни бошқариш тизими

Банк бошқаруви жараёнининг таркибий қисми сифатида таваккалчиликни бошқаришнинг асосий мақсади банкни стратегик ривожлантириш режаси доирасида унинг барқарор ривожланиб боришини таъминлашдан иборат. Таваккалчиликни самарали бошқаришнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- таваккалчиликни бошқаришнинг самарали тизимини яратиш, ҳамда таваккалчиликни бошқариш усуллари ва жараёнларига ягона стандартлаштирилган ёндашув асосида фаолиятни доимий равишда такомиллаштириш;
- банкнинг стратегик мақсадларига эришишини таъминлаш;
- банкнинг ривожланиш жараёнида унинг молиявий барқарорлигини таъминлаш;
- акциядорлар, кредиторлар ва мижозлар ҳуқуқлари ҳимояланишини таъминлаш.

Банқда таваккалчиликни бошқариш банк Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган Банк таваккалчиликларини бошқариш сиёсатиға мувофиқ амалға оширилади.

Банк таваккалчилигини назорат қилиш қўмитаси риск-аппетит даражасини, ички меъёрий ҳужжатлар самаралилигини ва таваккалчиликни бошқариш бўйича бошқа муҳим тадбирларни амалға оширади.

Банк Бошқаруви банк Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган Банк таваккалчиликларини бошқариш сиёсатиға мувофиқ таваккалчиликни бошқариш сиёсатини амалиётға тадбиқ этишни, таваккалчиликни бошқаришни самарали ташкил этишни, таваккалчиликни бошқаришни банкнинг барча ташкилий тузилмалари томонидан самарали амалға ошириш назоратини ва бошқа тадбирларни амалға оширади.

Банк таваккалчилиги бошқармаси томонидан доимий равишда банк таваккалчилигини идентификациялаш, мониторинг қилиш, баҳолаш ва бошқариш ишлари олиб борилади, ҳар чорақда молиявий аҳвол ва банк ликвидлиги стресс-тестдан ўтказилади. Банкға таъсир кўрсатувчи хатарларнинг ниҳоятда ранг-баранглигини ҳисобға олсак, банк учун йўқотишлар эҳтимоли даражаси бўйича кредит, бозор, ликвидлик, шунингдек операцион таваккалчиликлар аҳамиятли хатарлар ҳисобланади.

2021 йилға банкнинг молиявий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш ва таваккалчиликни бошқариш, банк таваккалчиликни бошқариш тизимида ахборот технологияларини ҳамда дастурий таъминотни жорий этиш, кенгайтириш ва фойдаланиш бўйича муайян вазифалар белгилаб олинган. Шунингдек, банкда таваккалчиликларни бошқариш бўйича ички норматив ҳужжатларни Марказий банк тавсиялари, илғор жаҳон тажрибаси ва Базель қўмитасининг тавсиялари асосида мукамаллаштириш режалаштирилган.

Ахборот технологиялари

Ахборот технологияларини ривожлантиришнинг бош мақсади банкнинг барқарор фаолиятда иш юритишини ва турғун ривожланиб боришини таъминлай оладиган замонавий АТ-технологиялари тузилмасини яратишдан иборат. Банк ахборот технологиялари банкнинг беқиёс рақобатбардошлик афзалликларини ривожлантириш асосий стратегик вазифаларни бажаришга, банк ички иш жараёнлари автоматлаштирилишини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш, банк хизматларига замонавий АТ-технологияларни жорий этишдан иборат. Банки ривожлантириш стратегиясига мувофиқ ахборот технологияларини банкнинг беқиёс рақобатбардошлигини шакллантиришнинг турғун манбаларидан бирига айлантириш кўзда тутилмоқда.

Банкда ахборот технологияларини ривожлантириш мақсадида 2021 йилга қуйидаги чора-тадбирлар белгиланган:

- Ислом банкинг тизимини жорий қилиш. Ушбу тизим шарият қонунлари доирасида мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида улар билан муносабат ўрнатиш процессини автоматлаштиришга имкон яратади;
- Digital banking тизимини жорий қилиш. Ушбу тизим мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида улар билан муносабат ўрнатиш процессини автоматлаштиришга онлайн тарзда идентификация ўтиш, банкга келмасдан 24/7 режимда ҳисоб рақам очиш ва амалиётлар бажаришига имкон яратади;
- 24/7 режимда ишлайдиган Контакт-марказни ишга тушириш;
- маълумотларни сақлаш хавфсизлигини ошириш, автоматлаштирилган банк тизимлари ва ахборот инфратузилмазининг тўхтовсиз ишлашини таъминлаш мақсадида янги бинода тўлақонли масофавий резерв Марказни яратиш;
- мижозлар мобил банкинг орқали банк хизматларига олдиндан навбатга туриб олишлари учун имкон яратиш мақсадида электрон навбат тизими билан мобил иловани интеграциялаш;
- “Шахсий кабинет” тизимида юридик шахсларга банк хизмат тарифларини танлаш ҳамда “Интернет-банкнинг” хизматига уланиш учун банкга келмасдан масофадан туриб аризани жўнатиш ва шартномани имзолаш имкониятини яратиш;
- MyAlliance мобил илова орқали банк SWIFT ўтказмасини жўнатиш. Ушбу хизмат жисмоний шахсларга SWIFT тизими орқали трансчегаравий банк ўтказмаси операцияларини амалга ошириш имкониятини яратади.

Банк ходимлари бошқариш тизимини такомиллаштириш

Банк жамоаси банкнинг асосий бойлиги ва рақобатбардошлик афзаллиги ҳисобланади. Ходимларни бошқариш тизимининг асосий мақсади банкнинг интеллектуал капиталини самарали бошқариш ва ривожлантиришдан, мутахассислар командасини банк стратегиясини оптимал харажатлар шароитида амалга оширишга қодир бўлган ишчанлик даражасида тутишдан, ходимларнинг хусусий ва банк манфаатларини уйғунлаштиришга йўналтирилган касбий салоҳиятларини тўлиқ намоён этишлари учун шарт-шароит яратишдан иборат.

2021 йилда банкнинг ходимлар салоҳиятини янада ривожлантириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган:

- банк бош офисини ва филиалларини банк соҳасида иш тажрибасига эга бўлган малакали мутахассислар билан ҳамда худди шу каби келгусида ўсиш истиқболига эга бўлган ёш битирувчилар билан тўлдириб бориш;
- ўқитишнинг янги технологияларини қўллаган ҳолда ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг Республикадаги йўналтирилган ўқув юртларида таълим олишини, шунингдек турли маҳаллий/халқаро тренингларда, дастурларда, семинарларда иштирок этишини уюштириш;
- банк операцияларига ихтисослашган ўқув марказларида тайёрлаш ва қайта тайёрлаш орқали аудиторларнинг малакасини доимий ошириб бориш;
- касбий билимларни ошириш билан бир қаторда ходимларнинг шахсий хусусиятларини, жамоада аҳил ишлаш сифатларини ривожлантиришга қаратилган тренингларни банк ходимларни ўқитиш ва ривожлантириш марказида ташкил этиш ва ўтказиш;
- маркетинг, услубий ишланмалар ва МҲХСни жорий этиш соҳасида ходимлар салоҳиятини ошириш, шунингдек уларни янги банк хизматларини ривожлантириш ва жорий этиш ишларига фаол жалб этиш;
- банк фаолиятини умум қабул қилинган халқаро меъёрлар ва стандартларга мувофиқ ривожлантириш ва янада такомиллаштиришнинг долзарб масалалари бўйича илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва “давра суҳбат”ларини ташкил этиш;
- банкнинг барқарор фаолиятини қўллаб-қувватлашга, унинг нуфузини мустаҳкамлашга ва мижозлар ишончини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган корпоратив ахлоқ ва усулни кундалик иш меъёри ва анъанасини жорий этиш;
- қўйилган мақсадларга эришиш ва вазифаларни бажаришда пировард натижага интилишни рағбатлантириш учун ҳам моддий ҳам маънавий рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш ва оптималлаштириш.

МОЛИЯВИЙ РЕЖАЛАШТИРИШ

Банк фаолиятининг устувор йўналишларини янада ривожлантириш бўйича белгиланган вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши натижасида 2021 йилда асосий молиявий кўрсаткичларнинг барқарор динамикасига эришиш кутилмоқда.

Фаолият миқёсини кенгайтириб борар экан, банк молия бозорида эришилган мавқеини сақлаб қолишга ва кредитлаш ҳамда чакана хизматлар кўрсатиш бозоридаги мавқеини янада мустаҳкамлашга ҳаракат қилади. Айтиш жоизки, банк баланси ва даромадлари тузилмасини сифат жиҳатидан ўзгартиришга алоҳида эътибор қаратилади. Бунда банк фаолияти энг муҳим кўрсаткичларининг халқаро молия институтлари томонидан тавсия этилган ҳамда янги Базель келишувига мувофиқ келадиган оптимал нисбатига эришиш бош вазифамиз этиб белгиланган. Банк амалиётларини кенгайтиришда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тавсия этилган банк тизимининг юқори даражадаги молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича иқтисодий меъёрларни сўзсиз бажаришга қаратилади.

Банкнинг капитал базаси асосан банк ички манбалари ҳисобига, яъни, банкнинг соф даромадини капитализация қилиш ҳисобига ўсиб боради. Депозит базасини шакллантирилиши юридик ва жисмоний шахларнинг маблағларини жамғармаларга жалб этиш, банкнинг қарзга оид қимматли қоғозларини чиқариш орқали амалга оширилади.

Юқорида келтирилган тамойилларни ҳисобга олган ҳолда Бизнес-режага банк фаолиятининг истиқбол кўрсаткичлари илова қилинмоқда.

ИЛОВАЛАР

«ASIA ALLIANCE BANK» АТБнинг 2021 йил учун баланс режаси (млн. сўмда)

Кўрсаткичлар номи	01.04.2021й. режа	01.07.2021й. режа	01.10.2021й. режа	01.01.2022й. режа
АКТИВЛАР				
Кассадаги нақд пул	254 469	262 179	270 124	278 309
ЎзРМБдан олинishi лозим бўлган маблағлар	243 267	250 763	258 492	266 324
Бошқа банклардан олинishi лозим бўлган маблағлар	176 199	181 538	187 038	192 706
Олди-сотди қимматли қоғозлари	98 643	100 723	110 866	115 074
Кредит ва лизинг, соф	1 923 362	2 026 579	2 105 457	2 148 569
Инвестициялар	2 658	2 658	2 658	4 658
Асосий воситалар ва номоддий активлар	161 111	191 052	221 424	246 159
Ҳисобланган фоизли ва фоизсиз даромадлар	49 846	29 907	19 954	24 923
Бошқа активлар	45 782	47 169	47 598	61 118
ЖАМИ АКТИВЛАР	2 955 336	3 092 569	3 223 611	3 337 840
МАЖБУРИЯТЛАР				
Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар	885 957	929 810	972 229	1 001 022
Муддатли депозитлар	1 162 979	1 198 218	1 234 525	1 281 933
Бошқа банкларга тўланиши лозим бўлган маблағлар	27 595	28 431	29 292	30 580
Кредит линиялар ва бошқа қарз маблағлари	429 977	443 006	456 429	475 259
Чиқарилган облигациялар	44 987	44 987	44 987	51 087
Бошқа мажбуриятларлар	47 179	58 563	66 958	58 667
ЖАМИ МАЖБУРИЯТЛАР	2 598 674	2 703 015	2 804 421	2 898 548
КАПИТАЛ				
Устав капитали	186 776	186 776	186 776	186 776
ЖАМИ КАПИТАЛ	356 662	389 553	419 190	439 292
ЖАМИ МАЖБУРИЯТЛАР ВА КАПИТАЛ	2 955 336	3 092 569	3 223 611	3 337 840

«ASIA ALLIANCE BANK» АТБнинг 2021 йил учун даромадлар ва харажатлар режаси (млн. сўмда)

Кўрсаткичлар номи	01.04.2021й. режа	01.07.2021й. режа	01.10.2021й. режа	01.01.2022й. режа
ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР	111 241	224 281	337 922	453 989
ФОИЗЛИ ҲАРАЖАТЛАР	70 047	140 914	212 391	284 594
СОФ ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР	41 194	83 368	125 531	169 395
Кредит зарарларни баҳолаш	8 816	12 316	16 952	20 058
КРЕДИТ ЗАРАРЛАРДАН КЕЙИН СОФ ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР	32 378	71 051	108 579	149 337
ФОИЗСИЗ ДАРОМАДЛАР	44 894	89 002	142 042	212 850
ФОИЗСИЗ ҲАРАЖАТЛАР	16 153	34 120	52 881	74 573
СОФ ФОИЗСИЗ ДАРОМАДЛАР	28 741	54 882	89 161	138 277
ОПЕРАЦИОН ҲАРАЖАТЛАР	47 605	97 834	152 530	214 641
СОЛИҚЛАР ТЎЛАНГУНГА ҚАДАР СОФ ФОЙДА	13 514	28 099	45 210	72 973
Кредит бўлмаган зарарларни баҳолаш	112	225	337	450
Даромад солиғини баҳолаш	2 680	5 575	8 975	14 505
СОФ ФОЙДА (ЗАРАР)	10 721	22 299	35 899	58 018
ЖАМИ ДАРОМАДЛАР	156 135	313 283	479 964	666 839
ЖАМИ ҲАРАЖАТЛАР	145 413	290 984	444 066	608 820